O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 13-dekabr, chorshanba * № 50 (1061) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www hurriyat.uz

## Коррупцияга қарши курашда ОАВ ўрни

Бугун дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган бирламчи масалалардан бири коррупциядир. Унга қарши курашиш халқаро миқёсга кўтарилиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалаларидан бирига айланди. Боиси ушбу иллатислоҳотларга жиддий тўсиқ бўлиши билан бирга ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида ҳам бевосита таҳдид туғдириши аниқ.

⇨ 3-бет

## "МУСТАҚИЛ ЖУРНАЛИСТ" КИМ ЎЗИ?

Асосий фаолияти ахборотни тўплаш ва тарқатиш билан узвий боғлиқ бўлган журналист касби фаолиятига таъриф беришда бир ёқлама ёндашувнинг тўғри келмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Бинобарин, кундалик ахборот оқими кучайиб бораётган бир вақтда қонунлар билан кафолатлаб қўйилган ҳуқуқ ва ваколатлар эгаси бўлган журналист ким эканлигига ойдинлик киритиб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораяпти.

⇨ 4-бет

## КАТТА ЎЛЖАГА КЎЗ ТИККАН "КАЛХАТ"ЛАР

Отасини ҳибсга олишгандан бери Жонибекнинг тинчи йўқолган. Кимсан шаҳар прокуратурасининг масъул ходими – судларда жиноят ишлари бўйича прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори бўла туриб, бирор чора тополмаса, нима қилиб юрибди?! Қандай бўлмасин, у ердан отамни қутқаришим керак, нимадир қилишим зарур, дея ўйлагани-ўйлаган.

⇨ 6-бет

## Чоршанбадан чоршанбагача

✓ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият, санъат ва спорт намояндалари, кенг жамоатчилик, хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

✓ 9 декабрь куни пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Чорвоқ" эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонини имзолади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 6 декабрь куни "Навоий" халқаро интермодал логистика маркази фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони матбуотда эълон қилинди.




**ҚАРОР ВА ИЖРО**







## АТОҚЛИ ШОИРГА ЭҲТИРОМ

*Андижонда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хиёбони очилди*

Ёзувчи ва шоирлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Муҳаммад Юсуфнинг оила аъзолари, шогирдлари, ижодкор ёшлар, адабиёт ихлосмандлари иштирок этган тадбирда миллий адабиётимизни ривожлантириш, китобхонлик ва мутолаа маданиятини юксалтириш, ижод аҳлига муносиб шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасини абадийлаштириш, ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз жорий йилнинг 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида вилоят марказида Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этиш, ёшларга унинг ижодини, ўзбек адабиётининг янги қирраларини чуқур ўргатиш, истеъдодли ижодкорларни тарбиялаш юзасидан топшириқлар берган эди.

Давлатимиз раҳбарининг таклифи асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 июлда «Андижон шаҳрида Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва Муҳаммад Юсуфнинг бюсти ўрнатилган хиёбонни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Замонавий ўзбек адабиётининг атоқли вакили Муҳаммад Юсуф халқ дардини оддий ва равон тилда куйлади, ватанпарварлик, гўзаллик, муҳаббат ва садоқатни ўзигагина хос бетакрор усулда тараннум этди. Шоир бугун орамизда бўлмаса-да, халқимиз ўзининг ардоқли фарзандини асло унутгани йўқ. Унинг номи, ижоди тилларда достон, асарлари минглаб қалбларга қувонч, самимият, гўзаллик улашмоқда, шеърлари асосида яратилган қўшиқлар ҳамон севиб тингланмоқда.

3-бет

## КОНЦЕПЦИЯ ЛОЙИҲАСИ – УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

*Мамлакатимизда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини бу соҳага кенг жалб этиш, Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий-сиёсий онги ва дунёқараши, фуқаролик позицияларини ватанпарварлик асосида камол топтириш мақсадида Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шу муносабат билан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси лойиҳаси ҳусусидаги фикр, мулоҳаза, таклиф ва истакларингизни шу йилнинг 15 декабрь кунига қадар қуйидаги манзилларга юборишингиз сўралади:*

*1. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Ҳуррият" газетаси таҳририяти, электрон манзил:* ***info@uzhurriyat.uz, ijod@sarkor.uz***

*2. Мудофаа вазирлиги электрон манзили:* ***vatan@evo.uz, mv-vatan@mail.ru.***

**ЛОЙИҲА**

## ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ

**I. Умумий қоидалар**

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) – мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий тамойил ва устувор йўналишлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир шароитда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ долзарб вазифалар ва уларни ҳал этиш йўллари, давлат ва нодавлат ташкилотлар, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг бу борадаги роли ва аҳамиятини, ўзаро ҳамкорлигини миллий ва халқаро ҳуқуқий нормаларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб беради.

Концепцияда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга оид мавжуд тизимга танқидий баҳо берилиб, уни мамлакатимизни 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, бугунги Ўзбекистон ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

2-бет

*Ҳурматли муштарийлар,*

2018 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна давом этмоқда.

**"HURRIYAT"ГА ОБУНА БЎЛИНГ!**

Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.



**"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!**

**ТААССУРОТ**

## Бирга қўшиқ куйлашган халқ





Илдизи бир халқларнинг умумий жиҳатлари кўп бўлиши табиий. Ўзбек ва туркман халқлари ҳаётидаги муштаракликлар бунинг ёрқин мисолидир. Бу ҳақда ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев жуда ўринли қилиб шундай деганди: "Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи ва маданияти муштарак, урф-одат ва анъаналари ўхшаш. Аждодларимизнинг илмий-ижодий мероси халқимизнинг умумий мулкига айланган". Юқоридаги хулоса аждодларимиз томонидан асрлар бўйи йиғилиб келаётган тажрибаларга, ҳаётий мисолларга таяниб айтилган. Негаки, ўзбек ва туркман халқлари асрлар давомида бир дарёдан сув ичиб, бир яйловда мол боқиб, ҳамкорликда деҳқончилик қилиб келган, қуда-анда бўлиб, тўйларда бирга куйлашиб, азада баробар йиғлашган, тараққиёт даврларини ҳам, оғир замонларни ҳам биргаликда бошидан кечирган.

Донишманд шоир М.Шайхзода ёзганидек:

*Ўзбек-туркман бир дўғон, бир туғишган,*
*Тарих деган бир мактабда ўқишган.*
*Дарёлардек қадим бизнинг йўлдошлик,*
*Ғоят қутлуғ удум дўстлик, қардошлик.*

Ўзбек — туркман халқлари тақдирининг туташиб кетганлигига яна бир мисол: Ҳазрат Навоий бир вақтлар вазир сифатида кўҳна Марв, Ниса (Ашхобод яқинидаги) шаҳарларни обод қилиш учун жон куйдирган. Эндиликда туркман халқи Навоий қадами теккан жойларни зиёратгоҳларга айлантирмоқда.

*Нажмиддин Кубро ҳам Қўрқит ота — пир,*
*Жалолиддин, Амир Темир жаҳонгир,*
*Навоий, Фироғий, Андалиб шоир,*
*Илми мероси бор ўзбек-туркманнинг.*

7-бет

# ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ

*Бошланиши 1-бетда*

Мазкур Концепцияда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга оид яхлит таълим-тарбия тизимининг узвий ва ажралмас бир қисми сифатида қаралади.

Она Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг шуҳратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчалар, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илму маърифат асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш ва шу тариқа Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвар фуқароларини тарбиялаш Концепциянинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

### II. ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – **миллати, тили ва касбидан қатъи назар, ёшларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг кўп босқичли, тизимли, мақсадли ва мувофиқлаштирилган фаолиятидир.**

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан кўзланган асосий мақсад – **ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, тинч ва ҳарбий шароитда Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантиришдан иборат.**

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгиланади:

ёшларни миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикасига, унинг халқи ва Президентига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш;

қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш;

миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунча ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш;

ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

жанговар ҳаракатларга мослашиш, ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга ёшларни тарбиялаш;

Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида, ҳар бир қадамда ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидоий бўлиш – бу бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар билан ёшлар онгига сингдириб бориш.

### III. ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими** узлуксиз жараён бўлиб, у бир-бирига боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий, маданий-маърифий тадбирлар мажмуасидан иборат.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Қуролли Кучларнинг умумий ҳарбий низомлари, Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучлар тизимидаги идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида олиб борилади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими қуйидаги тузилмаларни қамраб олади:

таълим-тарбия жараёнининг энг муҳим ва асосий бўғини бўлган болалар боғчасидан бошлаб ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик қадриятларни, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари;

оммавий ва ҳарбий-ватанпарварлик ишларини амалга оширадиган давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, Қуролли Кучлар тузилмалари, мудофаа ишлари бошқармалари, ҳарбий қисмлар ва муассасалар, ҳуқуқ-тартибот органлари, фахрийлар кенгашлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилмалари ва бошқа ташкилотлар.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари мунтазам равишда тизимли ва илмий асосда олиб борилиб, унинг самарадорлиги учун жамиятнинг барча субъектлари масъул ҳисобланади. Хусусан, унинг **асосий субъектларини** қуйидагилар ташкил этади:

давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари;

оила;

мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари;

маданият ва спорт муассасалари (театр, музей, тарихий обидалар, кинотеатр, кутубхона ва бошқалар);

оммавий ахборот воситалари;

миллий ва умумбашарий қадриятлар, маданият, адабиёт, санъат;

маданият ва истироҳат боғлари;

болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари;

ҳарбий бошқарув органлари ва бошқалар.

**Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш объектлари** миллати, тили, жинси, ижтимоий мансублигидан қатъи назар, барча ёшлардан, хусусан, қуйидагилардан иборат бўлади:

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларидан;

умумий ўрта таълим муассасалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларидан;

уюшмаган ёшлардан;

олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларидан;

ҳарбий хизматчилардан;

ташкилот ва корхоналарда фаолият олиб бораётган ёшлардан.

**Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий тамойиллари** мазкур жараённинг илмий жиҳатдан асослангани, унинг мунтазамлиги, таълим-тарбия ва амалиётнинг ўзаро уйғунлиги, тарихийлик ва замонавийликнинг узвий боғлиқлиги билан ифодаланади ва қуйидагилардан иборат бўлади:

илмийлик;

тарихийлик;

аниқлик ва тезкорлик;

мунтазамлик;

фаоллик;

таълим-тарбия ишларининг уйғунлиги;

тарбия жараёнининг изчиллиги;

ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида эришилган ижобий натижа ва ютуқларга таяниш тамойиллари.

### IV. ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ УСУЛ ВА ШАКЛЛАРИ

**Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш усуллари** – ёшларда зарур ҳаётий билим, кўникма, маҳорати ва мустаҳкам иродани, жумладан, юксак маънавий-ахлоқий, жанговар руҳ ва фуқаролик фазилатини шакллантиришга қаратилган, уларнинг онги, руҳияти ва фаолиятига таъсир кўрсатадиган усул ва услубларни англатади.

Қуйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий усулларидан ҳисобланади:

ишонтириш;

машқ қилдириш ва мустақил ишлаш;

кузатиш;

рағбатлантириш;

ўрнак кўрсатиш, шахсий намуна ва бошқалар.

**Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг шакллари**. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш турли шаклларда, жумладан, илмий, амалий анжуманлар, савол-жавоб кечалари, китобхонлик, электрон ўйинлар, машҳур кишилар билан учрашувлар тарзида ва бошқа шаклларда ташкил этилади ва улар маънавий-маърифий ишларнинг ранг-баранглигини таъминлайди, пировард натижада жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади. Бунда қуйидаги шакллар устувор аҳамиятга эга бўлади:

маъруза ўқиш, савол-жавоб кечалари, якка ва жамоавий суҳбатлар;

бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчи ва фахрийлар, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолибликни қўлга киритган шахслар билан учрашувлар;

илмий-назарий ва амалий конференциялар, семинар-тренинглар, муайян мавзуга бағишланган кечалар, баҳс-мунозаралар, викториналар, давра суҳбатлари;

тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш;

жамоатчилик фикри ва ҳарбий жамоалардаги маънавий-руҳий муҳитни ўрганиш;

телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, фильм ва мультфильмлар, бадиий ва мусиқий асарлар, аскар қўшиқлари, ОАВ, веб-сайтлар ва электрон ўйинлар, турли гаджетлар ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш;

уруш ва меҳнат фахрийлари, жанговар ҳаракатлар иштирокчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари, жамғармалар вакиллари билан учрашувлар;

ҳарбий хизматга чақирилувчилар куни, мардлик сабоқлари ва экскурсиялар.

### V. ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ БОСҚИЧ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Давлат ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини ташкил этиш, унинг натижаларини мониторинг қилиб боришни таъминлайдиган асосий институт ҳисобланади. Давлат ёш авлоднинг тарбия жараёнини оилада, мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, ҳарбий хизмат давомида, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари, турли давлат ва жамоат ташкилотлари миқёсида ташкил этади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари асосан тўрт босқичда амалга оширилади:

**Биринчи босқич** (3-7 ёшдагилар) атрофдаги олам, Ватан ҳақида дастлабки тасаввурлар пайдо бўладиган босқич ҳисобланиб, унда оила ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга турли шеърлар, куй ва қўшиқлар ўргатиш, мультфильм ва электрон ўйинлар намойиш этиш, расмлар чизиш орқали дунёни англаш, давлат рамзлари (байроқ, герб, мадҳия) билан танишиш асосида уларда она юртга муҳаббатни шакллантиришни ўз ичига олади.

Ушбу босқичда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш талаб этилади:

ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида дастлабки тасаввурларни шакллантириш мақсадида эртак ва ҳикояларни айтиб бериш;

она Ватанга муҳаббат, Ватан ҳимояси муқаддас бурч экани билан боғлиқ мавзулардаги шеър ва қўшиқларни ёд олдириш;

болаларнинг тасаввурини кенгайтиришга қаратилган расмлар чиздириш ва жисмоний қобилиятини мустаҳкамлаш учун турли мусобақа ва танловлар ташкил этиш, шу орқали уларни маънавий рағбатлантириш;

ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги мультфильмлар ва электрон ўйинлар намойиш этиш;

ҳарбий музейлар ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси билан боғлиқ маданият ва истироҳат боғларига экскурсиялар уюштириш.

**Иккинчи босқичда** (7-16 ёшдаги болалар) ўқувчиларнинг Ватанга муҳаббати ва садоқатини мустаҳкамлаш, она юрт олдидаги фарзандлик бурчини юксак масъулият билан бажариш, уларда Қуролли Кучларимизга бўлган ижобий фикрларни янада кучайтириш, ҳарбий хизмат нуфузини кўтариш, ёшларнинг жисмонан соғлом, маънавий етук, кенг дунёқарашли, мустақил фикр юритадиган баркамол инсон сифатида шакллантириш каби эзгу ишларга даъват этилади.

Бу босқичда:

замонамиз қаҳрамонлари ҳақидаги мақолалар, бадиий адабиётларни мутолаа қилиш;

умумий ўрта таълим мактабларида ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида маданий-маърифий тадбирлар, тематик кечалар ва қўшиқ танловларини ташкил этиш, спектакллардан лавҳалар намойиш этиш;

ўқувчи ёшлар иштирокида “Ватанимни кўз қорачиғидек асрайман”, “Юрт тақдири – менинг тақдирим” мавзуларида иншолар танловини ташкил этиш;

соғломлаштириш оромгоҳларида “Темурбекнинг издошлари”, “Ўзбекистон фарзандлари ботир бўлур” каби мавзуларда спорт мусобақалари ва тадбирлар ташкил этиш;

ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида бадиий ва ҳужжатли фильмлар, мультфильмлар намойиш этиш ва уларнинг муҳокамасини ўтказиш;

дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларга буюк саркардаларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотларни киритиш, уларнинг жасорати, фидойилиги ва қаҳрамонликлари тўғрисида ёрқин мисоллар асосида ҳикоя қилиб бериш;

“Темурбеклар мактаблари”, олий ҳарбий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг махсус гуруҳлари ва ҳарбий қисмларга экскурсиялар ташкил этиш;

“Мард ўғлонлар” давлат мукофотига сазовор бўлган юртдошларимиз билан учрашувлар ўтказиш, улар эришган ютуқ ва натижаларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирокида “Темурбек ворислари” ҳарбий-спорт ўйинларини босқичма-босқич ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилади.

**Учинчи босқич** (16-18 ёшдаги ўсмирлар) ёшларда Ватанга ва унинг ҳимояси учун муносиб хизмат қилишга руҳан ва жисмонан тайёрликни таъминлашга йўналтирилади.

Мазкур босқичда юқоридаги вазифаларга қўшимча равишда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади:

ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳарбий хизматга нисбатан уларнинг мустақил фикри ва ижобий қарашларини шакллантириш, ватанпарварлик туйғуларини кучайтириб бориш;

ўқувчи ёшларнинг назарий ва амалий билим ва кўникмаларини бойитиш мақсадида мудофаа ишлари бўлимлари ва ҳарбий қисмлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли сермазмун ва қизиқарли тадбирлар ташкил этиш;

миллий армиямиз учун жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизматнинг аҳамияти, Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот бериб бориш.

**Тўртинчи босқич** (18-30 ёшдагилар) ёшларнинг жисмоний ва маънавий қобилияти, етакчилик кўникмалари ва интеллектуал салоҳияти, умумий ва профессионал малакасини ошириш, уларни ўз устида мунтазам ишлаш, соғлом ҳаёт кечиришга ундаш ва шунга эришишни назарда тутади. Ушбу босқичда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш талаб этилади:

ёш авлодни ҳар томонлама етук, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак, ота-она ва Ватанига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашнинг аҳамияти тўғрисидаги тасаввур ва билимларни янада бойитиш;

Ватан ҳимоясига доимо тайёр бўлиш ва Қуролли Кучлар сафида хизмат бурчини ўтаётган ёшлар билан фахрланиш, конституцион бурч ва ҳарбий қасамёдга содиқлик туйғуларини шакллантириш;

ҳарбий хизмат шароитларига мослашиш ва ҳарбий ихтисосликларни пухта эгаллаш, ҳар қандай қийинчиликка тайёр туриш, матонат ва жасорат фазилатларини мустаҳкамлаш, қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, давлат ва ҳарбий мулкни асраб-авайлаш кўникмаларини ривожлантириш;

жанговар тайёргарлик ва ҳарбий маҳоратни мунтазам ошириб бориш, ҳарбий жамоада қарор топган ўзаро ёрдам ва дўстона муносабатларни қадрлаш каби фазилатларни шакллантириш;

китобхонликни кенг тарғиб этиш, жамиятда юксак маънавиятни қарор топтиришда бадиий асарларнинг роли ва аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш;

ёшларнинг ўз танлаган касбини пухта эгаллаши ва етук мутахассис бўлиб етишиши учун яқиндан кўмаклашиш;

миллий мафкурамизга зид бўлган ёт ғояларга қарши танқидий қараш ва мафкуравий иммунитетни, ўзига ишонч, ҳушёрлик ва огоҳлик туйғуларини мустаҳкамлаш;

ёшларда фаол ҳаётий позиция ва ўзининг мустақил фикр-мулоҳазаларини аниқ баён эта олиш, масъулиятни ҳис этиш, қатъий тартиб ва интизомга риоя қилиш фазилатларини шакллантириш, уларни қатъиятли бўлишга ўргатиш.

### VI. ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИ ВА МЕЗОНЛАРИ

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарадорлиги, аввало, бу жараённинг баркамол авлод тарбиясига, ёшларнинг ватанпарварлик даражасига қай даражада ижобий таъсир этгани билан белгиланади.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясидаги самарадорлик даражасини аниқлашнинг муҳим шарти ёшларда ватанпарварлик, ҳарбий бурч, жанговар анъаналарга содиқлик каби хислатларнинг реал ҳолатда янада ривожланиши ва такомиллашувига ижобий таъсир этадиган омилларни мунтазам равишда ҳисобга олиб, таҳлил этиб боришдан иборат.

Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим мезонларидан бири – ўсиб келаётган ёш авлод олдига жамият томонидан қўйилган талаблар бу борада олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг маъно-мазмуни, шакл ва усуллари билан қай даражада мутаносиб экани билан белгиланади.

### VII. КУТИЛАЁТГАН НАТИЖА

Мазкур Концепция ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг самарадорлигини ошириш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, фуқаролик позицияси, Ватанни севиш ва уни кўз қорачиғидек асрашга қаратилган билим ва кўникмаларни ошириш учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Концепциянинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ватанпарварлик туйғусини юксалтириш, миллий армиямиз сафларини замонавий билим ва профессионал малакага, мустаҳкам ирода, фаол гражданлик позициясига эга бўлган ёшлар билан тўлдириб бориш имконини беради.

Ушбу Концепция очиқлик ва ошкоралик принципларига асосланган бўлиб, уни такомиллаштиришда давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, барча юртдошларимиз ўз таклиф ва тавсиялари билан иштирок этишлари мумкин.

---

**»АНЖУМАН**

Бундан ўн йил аввал Иван Михаилович Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ташкил этилган эди.

# ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ



Бугунги кунда университетда геологик разветка технологияси, нефть ҳамда газ қудуқларини кавлаш, нефть қазиб олиш объектларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш, газ қазиб олиш, газ конденсати ҳамда ер ости сақлаш объектларидан фойдаланиш, корхона ва ташкилотлар иқтисодиёти, трубопровод транспорти тизимидаги объектларни қуриш ҳамда таъмирлаш йўналишларида 730 нафардан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда. Ўқув даргоҳида камолга етган кадрлар “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти, “Лукойл Ўзбекистон Оперейтинг Компани” МЧЖ, “Uz-Kor Gas Chemical”, “Asia Trans Gas”, “Enter Engineering Pte.Ltd.”, “Eriell Group GmbH” каби миллий ҳамда халқаро компанияларда самарали хизмат қилмоқдалар.

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида ушбу филиалнинг ташкил этилганига ўн йил тўлиши муносабати билан тантанали тадбир ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Султонов, Россия Федерацияси фан ва таълим вазирининг ўринбосари Л.Огородова, “CNPC” компанияси бошқаруви раиси Ван Илин, “Лукойл” ЁАЖ вице-президенти В.Субботин, “Eriell” гуруҳи бошқаруви раиси Б.Фозилов, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг ректори В.Мартинов ҳамда олий ўқув юрти вакиллари ҳамда талабалар иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Султонов, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали директори А.Максименко ва бошқалар сўз олиб, Ўзбекистонда умумэътироф этилган жаҳон стандартлари ва ўқув дастурлари асосида турли соҳаларда, хусусан, мамлакатнинг нефть-газ ва нефть-кимё тармоғи учун юқори малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

— Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизимида амалга оширилаётган янгиланишларни қўллаб-қувватлаймиз, – дейди Россия давлат нефть ва газ университетининг проректори Владимир Кошелев. – Тошкентдаги филиалимиз ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиб, бу ерда таҳсил олаётган талаба-ёшлар ҳам катта салоҳиятга эга. Шу боис келгусида филиал фаолиятини янада кенгайтириш, янги йўналишлар очиш устида иш олиб бормоқдамиз. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 12 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ва “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти ҳамда университетимиз ўртасида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумга мувофиқ, Қашқадарё минтақавий бўлими ҳам очилди. Бу эса ҳамкорлигимизнинг янада самарали кечаётганидан далолатдир.

Шундан сўнг тадбир ўзгача руҳ олди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармони билан мамлакатимиз нефть ва газ тармоғига юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Мукофот Россиянинг етакчи олий таълим муассасаси байроғига қадаб қўйилди.

Университет ректори В.И.Мартинов эса Тошкент шаҳар филиалининг энг яхши талабаларини «Губкин университетининг юлдузи», “Губкин университетининг олтин юлдузи”, “Губкин университетининг кумуш юлдузи” билан тақдирлади. Шундан сўнг тантаналар концерт дастурларига уланиб кетди. Халқ суйган санъаткорларнинг чиқишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

**Хуршид МАЪРУФ**

# Келажак соғлом авлод қўлида

**ФАОЛИЯТ**

**Беморларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослаштирилган Қибрай туман тиббиёт бирлашмасида касалликларни даволаш, соғлом бола туғилиши ва оналар саломатлигини асраш йўлида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бирлашманинг ўндан ортиқ бўлими бўлиб, уларнинг ҳар бирида болалар ва катталар саломатлигини тиклаш учун етарли шароитлар яратилган.**



– Шифохонамизга йилдан-йилга янги тиббий асбоб-ускуналар келтирилаётгани туғма касалликларни ҳам бартараф этиш учун мустаҳкам замин яратмоқда, – дейди терапия бўлими бошлиғи Озода Йўлдошева. – Мазкур шифохонада анча йиллардан бери ишлайман. Кўп тажрибамга асосланиб, шуни айтишим мумкинки, баркамол ота-онадангина соғлом фарзанд дунёга келади. Туғилгандан кейин боланинг ҳам маънан, ҳам жисмонан етук бўлиб улғайиши учун оилада соғлом муҳит бўлиши керак. Баъзан ота-оналар ўғлининг ҳарбий хизматга боришдан аввал бўладиган шифокорлар кўригидан ўтолмаганидан шикоят қилади. Лекин бунга ёшликдан эътибор бериш кераклигини хаёлига ҳам келтиришмайди. Масалан, асаб тизими ва фаолияти билан боғлиқ шундай сурункали касалликлар борки, йилига икки-уч марта шифокор назоратида бўлмаса, турли хил юрак хасталиклари келтириб чиқариши мумкин. Биргина туғма фалаж билан дунёга келган болаларнинг аксариятида ҳар хил турдаги невроз касалликлари учрайди. Бўлимимизда ички касалликларни дори-дармонлардан ташқари, нур аппаратлари ва массаж ёрдамида ҳам даволаймиз. Қолаверса, муҳтарам Юртбошимизнинг тиббиёт соҳаси олдига қўяётган талаблари ва яратилган шароитлар боис замонавий техника воситалари тиббиёт соҳасига ҳам шиддат билан кириб келаяпти. Эндиликда авлоддан-авлодга ўтадиган наслий касалликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш имкони пайдо бўлди. Яқинда бизда шундай касалликка чалинган бир бемор даволаниб кетди. Ёш келин-куёв тиббий кўрикдан ўтгани борганда, шифокорлар йигитга оила қуриши мумкин эмаслигини айтишган. Лекин ота-онаси "бизнинг ҳам орзу-ҳавасимиз бор", деб уйлантирган. Натижада, отанинг касаллиги ўғил болага, онаники эса қизга ўтган. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун насл-насабни суриштириш, тиббий кўриклардан ўтиш ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш керак. Авлодлар соғломлигига эришиш ҳар жиҳатдан шунга боғлиқ.

– Шифохонамизнинг янги биноси 2013 йилда фойдаланишга топширилган. Ҳар бир бўлимга керакли мутахассислар қамраб олинган. Бу – беморларни тиббий текширувлардан ўтиши учун шаҳарнинг бир четидан, иккинчи четига жўнатишга ҳожат қолмади деган гап, – дейди гинекология бўлими бошлиғи Ренат Вилданов. – Кейинги пайтда оилавий шифокор деган иборани кўп ишлатаяпмиз. Юртбошимиз ҳам чақалоқлар ва беморларнинг уйларига бориб, доимий равишда тиббий ёрдам кўрсатиш учун патронаж хизматини яхшилаш борасида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиргани бежиз эмас. Чунки ҳар бир оилага кириб чиққан шифокор беморнинг касаллик тарихидан тортиб, қандай тиббий ёрдам кўрсатиш ва парвариш қилишгача билади. Бу беморлар саломатлиги учун жуда муҳим. Айниқса, ҳомиладор аёлга масъул шифокор она вужудидаёқ болани қандай парвариш қилиш, кейинги фарзандини режалаштирган ҳолда дунёга келтириш учун нималарга эътибор бериш кераклиги борасида тушунтириш ишларини олиб боради. Тиббиёт нуқтаи назаридан қараганда, 20 ёшда қиз бола турмуш қуришга тайёр ҳисобланади. Лекин оналик бахтига муяссар бўлганларнинг орасида 16-17 ёшли оналар ҳам борлиги жуда ташвишланарли. Бу ёшда болали бўлиш нари турсин, ҳатто ўзини ҳимоя қилишни ҳам билмайди. Айрим қайноналар болани икки ёшгача она сути билан боқишга қўймасдан, келинидан иккинчи фарзандни олиб келишни талаб қилади. Ҳам ақлий, ҳам балоғат даврида зарбага учраган оналар буни кўтаролмасдан саломатлигини баттар йўқотади. Бу оилавий ажралишларга олиб келади.

Гўдак туғилгандан уч ёшгача она сути билан озиқланиши керак. Шунда бола поликлиника, шифокор нималигини билмай ўсади. Инсон саломатлиги учун дунёда она сутидан фойдалироқ неъмат йўқ. Юқорида таъкидланганидек, ҳарбий хизматга яроқсизлик ҳолати ҳам кейинги пайтда фарзандини сунъий озуқалар билан боқаётган оналарнинг сафи кенгайиб бораётганидан келиб чиқмоқда. Ўзидан соғлом зурриёд қолдиришни истаган ота-оналар аввало, иқтисодий томондан тўкис, оилавий жиҳатдан хотиржам, маданияти ҳам юксак бўлиши керак. Нимжон, касалманд болалар нафақат ота-оналар, балки жамиятимизга ҳам фойда келтирмайди. Шу ўринда, мактабларнинг 11 йиллик таълим тизимига ўтгани айни муддао бўлди. Энди ёшларимизда мустақил фикр шаклланади. Мактабнинг 9-синфини битириб, ўзини катта бўлиб қолгандек ҳис қилган коллеж ўқувчилари ҳам шунга қараб қадам ташлайди.

Шифохонамизда беморларга халқаро тиббиёт талаблари даражасида хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Шифокорларни қайта тайёрлаш курслари бор, ҳар йили ҳамкасбларимиз малакасини ошириб келади. Лекин тиббиёт коллежларини битирган кўпчилик ёшларга иш йўқ. Бир иш ўрнига уч-тўртта ҳамшира тўғри келади. Назаримизда, тиббиёт коллежларини қисқартириш ёки янги мутахассисликларга асос солишни вақти келмадимикан? Таълим жараёнида ўқитиш ишларини бутунлай янгилашни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Масалан, илмий лабораторияларда биологлар, лаборантлар етишмайди. Патронаж ҳамшираларини тайёрлайдиган кафедрага ҳам асос солинса, бу фақат тиббиётимизнинг юксалиши учун хизмат қилади, албатта.

**Адиба УМИРОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**
***Шолазиз ШОХИДОЕВ олган сурат***

# АТОҚЛИ ШОИРГА ЭҲТИРОМ

*Бошланиши 1-бетда*

Андижон шаҳрининг Амир Темур кўчасида Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва Муҳаммад Юсуфнинг бюсти ўрнатилган хиёбон барпо этилиши шоир хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишлардан бир мисол, холос.

Мактаб ва хиёбон "Азимут строй" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан қисқа вақтда бунёд этилди. Қурилиш ва бунёдкорлик ишлари учун 2 миллиард 648 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, ҳайкалтарош Шоҳрухбек Ўрозов томонидан яратилган бюст, шунингдек, иккита фаввора, манзарали гул ва дарахт кўчатлари ўтказилган мазкур хиёбон Андижон шаҳрининг кўркига-кўрк қўшиш билан бирга, ёш ижодкорларни тарбиялайдиган зиё масканига айланиши шубҳасиз.

– Жорий ўқув йилида мактабимизда 150 га яқин ёш таҳсил олмоқда, – дейди Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб директори Ш.Нурматова. – Билим даргоҳимизда умумтаълим фанлари билан бирга, адабиёт ва бадиий ижод борасида пухта билим олиш учун зарур шароитлар яратилган.

Тадбир иштирокчилари мактабда ташкил этилган Муҳаммад Юсуф музейи, шоир ижодига бағишланган очиқ дарс, Муҳаммад Юсуф издошлари адабиёт тўгараги фаолияти билан танишди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов сўзга чиқди.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**
***Зуҳриддин УМРЗОҚОВ (ЎзА) олган суратлар***

# Коррупцияга қарши курашда ОАВ ўрни

**СЕМИНАР**

**Бугун дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган бирламчи масалалардан бири коррупциядир. Унга қарши курашиш халқаро миқёсга кўтарилиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалаларидан бирига айланди. Боиси ушбу иллат ислоҳотларга жиддий тўсиқ бўлиши билан бирга ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида ҳам бевосита таҳдид туғдириши аниқ.**



Шу сабабдан мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ мазкур муаммога қарши кураш масалаларига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида юртимиз бу борадаги қатор халқаро ҳужжатларни қабул қилди.



Жумладан, Ўзбекистон БМТнинг коррупцияга қарши Конвенциясини ратификация қилди, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг коррупция билан кураш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасига қўшилди.

Мазкур йўналишдаги эътиборга молик ишлардан бири бу мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг яхлит тизими яратилганидир. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат аппарати ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу хавфли иллат билан курашдаги куч ва имкониятларини бирлаштиришда муҳим омил бўлди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгарди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан қўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди. Жумладан, жорий йилда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари томонидан кўплаб ҳудудларда аҳоли билан сайёр қабуллар ўтказилди.

Бу муаммога қарши курашиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш, албатта, оммавий ахборот воситалари зиммасига тушади. ОАВ ходимларига бу борадаги мақсад ва вазифаларини тушунтириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифадир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Бош Прокуратура ҳамкорлигида Миллий матбуот марказида "Коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни: ютуқ ва вазифалар" мавзуида семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги ижодий кенгашлар аъзолари, Бош Прокуратура вакиллари, ОАВ ходимлари ҳамда журналистика факультети ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди.

Тадбирда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, ушбу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг иштироки, бу йўлдаги ютуқ ва муаммолар ҳақида сўз юритилди. Тадбирда "Ўзбекистон Конституцияси — инсон ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати", "Коррупцияга қарши кураш: бугунги аҳвол ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар", "Коррупцияга қарши курашнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалалари" мавзуларида маърузалар қилинди.

Сўзга чиққанлар коррупция профилактикасида ОАВ масъулиятини ошириш лозимлигини таъкидладилар.

**Гўзал МАЛИКОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

**ТАДБИР**



**Ўзбекистон Президентининг "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони минглаб кўнгилларга хурсандчилик улашди.**

# ФАХРИЙЛАР ЭЪТИБОРДА

Чунки бу фармонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг имкониятини янада кенгайтириш, шароитларини янада яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Халқаро ногиронлар куни муносабати билан юртимизнинг барча гўшаларида эзгу амаллар, хайрия тадбирлари уюштирилади. Жумладан, Ўзбекистон . «Veteran» фахрий жангчи ва ногиронлар бирлашмаси ҳам бу борада фаол. Бирлашма ҳар йили жангчи фахрийларни, урушдан ногирон бўлиб қайтган ёки ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида учрашувлар, хайрия тадбирларини ўтказиб келади.

Яқинда Ўзбекистон «Veteran» фахрий жангчи ва ногиронлар бирлашмаси ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилган учрашувда байрам дастурхони ёзилиб, бир пиёла чой устида фахрий жангчилар, ногиронлар ва ҳарбий ҳаракатларда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг оила аъзолари билан дилдан суҳбат қурилди.

– Илоҳим, юртимиз тинчлигига кўз тегмасин, дунё ҳам тинч бўлсин, — дейди Ўзбекистон «Veteran» фахрий жангчи ва ногиронлар бирлашмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Рустам Султонов. — Тинч ва осуда юртга мана шундай байрамлар, тантаналар ярашади.

Байрам кечасига эл суйган санъаткорларнинг қўшиқ ва рақслари янада файз бағишлаган бўлса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Маҳалла хайрия жамоат фондининг совғалари йиғилганларни янада хурсанд қилди.

**Бобур ЙЎЛЧИЕВ**

# ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

**ДАВРА СУҲБАТИ**

**"9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни" муносабати билан Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида "Коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш устувор вазифа" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Республика маънавият ва маърифат маркази, шунингдек, Давлат божхона қўмитаси Марказий аппарати етакчи мутахассислари, Тошкент вилояти ва пойтахт божхона бошқармалари, "Тошкент – Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари, турдош олий ўқув юртлари ва мазкур институтнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, ҳар йили дунё бўйлаб, 9 декабрь – Халқаро Коррупцияга қарши кураш куни сифатида кенг нишонланади. 2003 йилнинг айни шу санасида Мексиканинг Мерида шаҳрида дунёнинг 100 дан ортиқ давлатлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган Сиёсий конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш конвенцияси имзоланган эди. Ўшанда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 9 декабрь — Коррупцияга қарши курашиш халқаро куни деб эълон қилинган. Бугунги кунга келиб, 172 давлат мазкур конвенцияга аъзо ҳисобланади.

2008 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикасининг "БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши муносабати билан давлатимиз ушбу ғайриижтимоий иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

Ушбу давра суҳбатидан кўзланган асосий мақсад ҳам коррупция билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишга оид масалалар юзасидан бу соҳадаги назариётчи ва амалиётчи мутахассисларнинг ўзаро тажриба алмашишларидан иборат бўлди.

— Бугунги кунда коррупция жиноятига катта ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида қаралмоқда, — дейди Олий ҳарбий божхона институти бўлим бошлиғи, божхона хизмати подполковниги Орифжон Кувватов. — Чунки у жамият тараққиётига хавф солиб, ижтимоий муносабатларни издан чиқаради. Коррупция жинояти "хуфёна иқтисодиёт"нинг ривожланишига замин яратади. Бу иллат асосан давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғин ва даражада фаолият юритаётган иродаси бўш инсонларни ўз домига тортади. Шу жумладан, бугунги давра суҳбатимиздан кўзланган мақсадлар давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва ҳисобдорлигини таминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларини бажариши юзасидан масъулиятини кучайтиришга, Коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишга эътиборни кучайтириш ҳамда порахўрлик иллатини имкон қадар камайтириш, кези келганда эса таг-томири билан юлиб ташлашга қаратилди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси ўринбосари А.Раҳимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул ходими В.Каримов, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати масъул ходими З.Тошев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси "Бошқарувнинг ҳуқуқий асослари" кафедраси доценти М.Раҳимова, Ички ишлар вазирлиги академияси доценти Ш.Қобилов, Республика маънавият ва маърифат маркази тарғиботчиси М.Эшназаров, Ўзбекистон божхона қўмитаси Божхона органларининг ўз хавфсизлиги бошқармаси катта тезкор вакили Ж.Умурзақов ва бошқаларнинг мавзуга оид маърузалари тингланди.

Давра суҳбати баҳс-мунозараларга бой тарзда давом этди. Иштирокчилар томонидан турли таклифлар ўртага ташланиб, мавзу кенг доирада муҳокама қилинди.

**Муҳаммаджон ХЎЖАЕВ**

**ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ҚОНУНЧИЛИК**

# „МУСТАҚИЛ ЖУРНАЛИСТ“ КИМ ЎЗИ?

**Асосий фаолияти ахборотни тўплаш ва тарқатиш билан узвий боғлиқ бўлган журналист касби фаолиятига таъриф беришда бир ёқлама ёндашувнинг тўғри келмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.**



Бинобарин, кундалик ахборот оқими кучайиб бораётган бир вақтда қонунлар билан кафолатлаб қўйилган ҳуқуқ ва ваколатлар эгаси бўлган журналист ким эканлигига ойдинлик киритиб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораяпти.

Шу ўринда амалиётда журналистга таъриф бериш ва унинг мақомини қўллашда турлича ёндашувлар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Айниқса, замонавий ахборот технологияларининг турмушимизга фаол кириб келиши билан сўнгги вақтларда айрим оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган материалларда “мустақил журналист” ёки “фрилансер журналист” сингари янги мақомдаги шахсларнинг имзоларига, уларнинг фаолияти ҳақидаги муносабатларга ҳам дуч келиб турибмиз.

Хўш, савол туғилади: “Журналист”, “мустақил журналист” ва “фрилансер журналист” ким ўзи, уларнинг мақомлари қандай?

Ҳар бир соҳада бўлгани каби мазкур йўналишда ҳам шахс мақомиининг ҳуқуқий асоси ҳисобга олиниши керак, ушбу мақом орқали фаолият юритиши натижасида юзага келадиган ҳуқуқий оқибатлар учун.

Амалдаги қонунчиликка мурожаат этадиган бўлсак, “Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида “Журналист — Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатнинг оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган ёхуд уларда шартнома асосида ишлайдиган ва маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахсдир”, дея таъриф берилган.

Бир нарсани тан олиш керак: таърифда журналист фаолиятининг хусусиятлари тўлиқ қамраб олинмаган, яъни унинг ахборотни таҳрир қилиш ва тайёрлаш билан ҳам шуғулланиши келтирилмаган бўлса-да, айни пайтда бу биз учун муҳим асос сифатида хизмат қилиб келаяпти. Ва масаладан четлашмаган ҳолда айтсак, ушбу қонун журналист мақомини белгилаш билан бирга журналистнинг журналистлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишини инобатга олсак, бунда журналистнинг бошқа мақомлари назарда тутилмаганлиги кўринади.

Ўз ўрнида яна бир тушунча диққатимизни тортади. Хусусан, оммавий ахборот воситаларининг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва фаолиятининг тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида “таҳририят ходими” тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, унда таҳририят штатида турган, материалларни тўплаш, таҳлил, таҳрир қилиш ҳамда тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс таҳририят ходими эканлиги белгиланган.

Демак, ҳуқуқий жиҳатдан олиб қаралса, қонунчилигимизда журналистдан фарқли равишда “мустақил журналист”, “фрилансер журналист” ёки яна бошқа хил журналист таърифи билан боғлиқ тушунчалар мавжуд эмас.

Бироқ халқаро ва хориж амалиётини ва бугунги тезкор ахборот оқими кучайиб бораётган шароитни инобатга олиб “мустақил журналист” ва “фрилансер журналист”ларнинг тушунчасига изоҳ беришга ҳаракат қиламиз. Бу ушбу мақом учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмайди албатта.

Хориж амалиётида журналистларнинг “мустақил журналист” ёки “фрилансер журналист” мақомларида фаолият юритиши кўлами кун сайин ортиб бораётгани ва уларнинг хизматларидан фойдаланиш ҳам оммалашаётганини таъкидлаб ўтиш керак.

Бу борада хорижлик мутахассислар, хусусан, россиялик эксперт, журналист Игорь Минтусов “Албатта, бизда мустақил матбуот бор. Мустақил журналистларнинг ўрни ҳам Россияда ёмон эмас. ОАВда материал эълон қилганлик учун ҳам айнан улар пул олишади” (манба: “nikkolom.ru” сайти) дея ўз сўзида нодавлат нашрларда фаолият юритадиган журналистларни мустақил журналистлар сифатида қайд этиб ўтади.

Бироқ Россия Федерациясининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунида рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситаси таҳририяти билан меҳнат ёки бошқа шартномавий муносабатларга эга ё бўлмаса, унинг топшириғи билан таҳририят учун хабар ва материаллар тайёрлаш, тўплаш, яратиш, таҳрир қилиш билан шуғулланувчи шахс журналист сифатида тушунилиши келтириб ўтилган. Ўзбекистон қонунчилигидан фарқли равишда Россия Федерацияси қонунчилигида журналист мақомига таҳририят топшириғи билан таҳририят учун хабар ва материаллар тайёрлаш, тўплаш, яратиш, таҳрир қилиш билан шуғулланувчи шахслар кириши ҳам қайд этилмоқда.

Қозоғистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунига кўра, журналист (оммавий ахборот воситаси вакили) — оммавий ахборот воситаси учун меҳнат ёки бошқа меҳнат муносабатларига асосан хабар ва материалларни тўплаш, қайта ишлаш, ва тайёрлаш билан шуғулланувчи жисмоний шахс эканлиги кўрсатилган.

Беларусь Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунида ҳам журналист сифатида оммавий ахборот воситаси билан меҳнат ёки бошқа шартномавий муносабатларга эга жисмоний шахс тушунилиши белгиланган.

Аммо замонавий халқаро амалиётда “мустақил журналист”нинг муҳим хусусияти ҳар қандай топшириқ ва буюртмалардан холи ҳолда материаллар тайёрловчи шахс эканлиги билан боғлиқ. Хусусан, “vmnews.ru” интернет нашрида 06.02.2017 санасида эълон қилинган «Независимый журналист» кормится из бюджета» (манба: vmnews.ru/bylo-nebylo/2017/02/06/nezavisimyi-zhurnalist-kormitsia-iz-biudzheta) сарлавҳали мақоладаги асосларга кўра “мустақил журналист” давлат бюджетидан даромад олиш ҳисобига фаолият юритмаслиги керак. Моҳиятан олиб қаралганда, ушбу омил, яъни журналистнинг бюджетдан даромад кўрган ҳолда маълум кўрсатма ва топшириқлар асосида фаолият юритиши унинг “мустақиллиги” мақомига мос эмас.

Бозор қонуниятлари асосида яшаётган жамиятларда айрим қарашларга кўра, давлат ёки таъсисчи маблағ бергани учун журналист унга қарам бўлиши ва унинг буюртмаларини бажариши керак, деган қарашлар бор. Бироқ бу қараш тоталитар режимга хос бўлиб, сўз ва ахборот эркинлигини чегаралашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис, баъзи ҳолларда бирон бир ОАВда расман меҳнат қилмайдиган ёки шартномавий битими бўлмаса-да, материаллар тайёрлаш билан шуғулланувчилар ўзларини “мустақил журналист” сифатида атайдилар. Бироқ бу фуқаро сифатида умумий ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда фаолият билан машғул бўлишни чекламаса ҳам, қонунларга кўра унга журналистлар учун мавжуд бўлган ҳуқуқларни бермайди.

Яна бир муҳим жиҳат: амалиётда штатсиз мухбирлар ёки замонавий “фрилансер”лар тушунчаси ҳам кенг қўлланиб келинмоқда. Фрилансер атамаси жамиятимизда яқин йиллардан буён қўлланишни бошлаган бўлса ҳам, ғарб дунёси ушбу тоифа шахсларнинг хизматларидан кўпдан буён фойдаланиб келмоқда. Фрилансерлар бирон бир меҳнат ва шартномавий муносабатсиз, маълум бир хизматни бажариб бериш эвазига ҳақ олиш билан шуғулланувчи кишилардир.

Россиялик блогер ва журналист Георгий Янс “мустақил журналист бу ишсиз журналистдир. У ҳақиқатан ҳам эркин, пули ҳам, иши ҳам йўқ. Бошқа барча ҳолатларда журналист қарам фигура” (манба: www.mk.ru/blogs/posts/prodazhnyiy-zhurnalist-eto-zvuchit-gordo.html) дейди. Россия Федерациясининг ишга жойлаштириш бўйича энциклопедияси порталида эса “ўзининг материалларини нашрларга таклиф этадиган, ўз асарлари нашри учун бериладиган қалам ҳақига яшайдиган “штатсиз мухбир” ёки “фрилансер” бу “мустақил журналист”дир” (манба: www.rabotka.ru/infoworker/018.php) дея таъкидланади.

Ўз ўрнида журналистдан фарқли равишда “мустақил журналист” ва “фрилансер журналист” ўртасидаги жиддий тафовутларни инобатга оладиган бўлсак, журналист мақомидаги шахсга амалдаги “Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра:

ахборот тўплаш, уни таҳлил этиш ва тарқатиш;

ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш;

давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш;

журналист текшируви ўтказиш;

ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали имзосини ёки тахаллусини қўйиб тарқатиш, уларда ўз фикр-мулоҳазасини ифодалаш;

журналистлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш;

маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан, зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш;

судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;

эълон қилишга тайёрланган маълумотларни текшириш учун мутахассисларга мурожаат қилиш;

башарти қонунни бузишга олиб келадиган бўлса, оммавий ахборот воситаси томонидан берилган топшириқни бажаришни рад этиш;

ўзи тайёрлаган хабар ёки материалнинг мазмуни таҳрир жараёнида бузилган деган фикрга келса, унга имзо қўймаслик ёхуд уни нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб этиш;

ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сақланишини талаб қилиш;

тақдим этган хабарининг мазмунини оммавий ахборот воситаси бузиб эълон қилиши оқибатида ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш;

жамоат бирлашмаларига, шу жумладан, журналистларнинг халқаро ташкилотларига кириш каби ҳуқуқлар кафолатлаб қўйилган.

Шунингдек, журналист ўз фаолияти давомида ходим мақомида ҳам бир қатор ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Шу боис, мустақил журналист мақомида фаолият юритиб юрган айрим шахслар қонун билан журналист учун берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан фойдалана олмайдилар.

*Хулоса қилиб айтганда, миллий қонунчилигимизга кўра биз айни вақтда журналист сифатида аниқ таъриф берилган, тегишли ҳуқуқ, ваколат ва мажбуриятларга эга шахсларни тушунамиз. “Мустақил журналист”, “фрилансер журналист” каби мақомлар амалиётда айрим шахслар томонидан қўлланиб келинаётган бўлса-да, у ўзининг ҳуқуқий асосига эга эмас. Мазкур тоифа шахсларнинг фаолияти фуқаролик ҳуқуқларидан фаол фойдаланиш асосига қурилган бўлиб, фуқароларнинг ахборотни эркин излаши ва тарқатиши каби Конституциявий принципиал қоидаларни амалиётга татбиқ этиш билан изоҳланади.*

**Расул КУШЕРБАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси**

**ТАҚДИМОТ**

**Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ғафур Ғулом нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган Матназар Абдулҳакимнинг икки жилддан иборат “Танланган асарлар” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.**




## „ЮРАКЛАРГА ҚАРАБ ШЎНҒИСАНГ...“

Тақдимотда Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон, педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим, мунаққид Маҳмуд Саъдий, ёзувчи, Давлат мукофоти соҳиби Собир Ўнар, Ғ.Ғулом НМИУ бош муҳаррири Илҳом Зойир, таниқли шоирлар Ҳалима Аҳмад, Ойгул Суюндиқова, Вафо Файзулло, Раиса Крапаней, Шукур Қурбон, Берди Раҳмат ҳамда бир гуруҳ ёш шоирлар иштирок этди ва сўзга чиқди.

Анжуманда сўзга чиққанлар шоирнинг шеърлари таржимонлик фаолияти ва “Танланган асарлар” китобининг чоп этилиши хайрли қадам бўлганлигини алоҳида эътироф этдилар. Кечада шоир Хуршид Даврон, Ҳалима Аҳмад, Ойгул Суюндиқова ва Хуршид Абдурашидлар ўзларининг Матназар Абдулҳакимга бағишланган шеърларини ўқидилар. Шоирнинг ўз овозида ўқиган шеърлари қўйиб эшиттирилди.

**И.ЗОИРОВ**

## „Бахтим қомуси“

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси мажлислар залида Чўлпон номидаги НМИУ уйида тайёрланиб нашр этилган Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг “Бахтим қомуси” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.**



Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 25 йил тўлишига бағишланган. Тадбирда Ўзбекистон халқ шоирлари Анвар Обиджон, Иқбол Мирзо, “Ёшлик” журнали бош муҳаррири Нодир Жонузоқ, Чўлпон номидаги НМИУ бош муҳаррири Даврон Улуғмуродов ҳамда Тошкент шаҳри мактабларидан ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этишди. Йиғилганлар Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг фуқаролар ҳаётида тутган ўрни тўғрисида фикр алмашдилар. Ўқувчилар китобга кирган шеърларни ёддан айтиб беришди. Уларга Чўлпон номидаги НМИУ да чоп этилган китоблар совға қилинди.

**Д.УЛУҒМУРОДОВ**

# Ижтимоий буюртмалар лойиҳаси амалда

**ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ПОЧТАСИДАН**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, юртимиз тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган Ўзбекистон Республикасининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг амалий натижаларини кенг тарғиб этиш, ҳаётнинг барча жабҳаларида фидойиларча меҳнат қилаётган замондошларимизнинг бадиий мукаммал образлари яратилишига ҳисса қўшиш, бугунги улуғвор бунёдкорлик ишларини тарих зарварақларига муҳрлаш, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, хусусан, ёш ижодкорларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан “Тараққиёт стратегияси ва замонамиз қаҳрамони”, “Ҳарбий-ватанпарваплик” мавзуида бадиий ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳаси эълон қилинган эди. Айни кунларда Агентлик тизимидаги нашриёт-матбаа ижодий уйларида ушбу лойиҳалар ижроси юзасидан қизғин ижодий жараён бормоқда.**

**Қуйида мазкур лойиҳалар доирасида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида нашрга тайёрланаётган китоблар ҳақидаги маълумотларга эга бўласиз.**

Жоннинг жисмдан ташқарида Ватани бўлмаганидек, ақли расо одамнинг ҳам туғилганда киндик қони томган, ўсиб-улғайган тупроғидан, дов-дарахтларидан, бетакрор табиатидан қувват, ноз-неъматларидан озиқ, мангу ва боқий қадриятларидан баҳра олган Ватанидан ўзга Ватан бўлмайди.

Инсонда Ватан битта бўлади. Ватан бу ҳамма нарса, умримизнинг мазмуни, ҳаётимизнинг маъни ва маъносидир. Ватан бу — ота-боболаримизнинг хоки ётган муқаддас тупроқ. Биз эъзозлайдиган жамики қадрли нарсаларнинг макони.

Бу дунёда нафас олаётган жонзот борки, ўз Ватанини ҳимоя қилади. Ҳатто қушлар ҳам палапонлари чуғурлашиб ётган инини турли ёвуз ниятли мавжудотлардан асрайди. Ер юзининг қайсидир ҳудудларида яратилган иқтисодий шароитларни деб ўзга юртда яшаш эса, бу — вақтинчалик умргузаронлик қиладиган бегона макондан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги “Тараққиёт стратегияси ва замонамиз қаҳрамони” мавзусида бадиий ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳасини эълон қилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи ижодий жамоаси ҳам таниқли ёзувчилар — Акбар Мирзо ҳамда Набижон Ҳошимов билан икки томонлама шартнома тузиб, ҳамкорликни йўлга қўйиган.

Қатор романлари орқали китобхонлар меҳрини қозонган ёзувчи Акбар Мирзонинг навбатдаги “Мерган” номли асари ҳарбий аскарларимиз ҳаётидан ҳикоя қилиб, мазкур асар тили, образлар хилма-хиллиги, қаҳрамонларнинг ҳаёт воқелигини тўғри акс эттиришдаги фаолияти билан ажралиб туради.

Таниқли ёзувчи Набижон Ҳошимовнинг яқин кунларда чоп этилиши кутилаётган “Чаёнлар сўқмоғи” романида эса мустақил Ўзбекистон Республикасига унинг илк кунларида таҳдид солган ички ва ташқи ғанимларнинг кирдикорлари, долғали ва суронли ҳаёт сўқмоқларида тажрибасизлиги ҳамда ғўрлиги боис адашиб нохуш матлуб йўлларга кириб қолган баъзи ёшларнинг аянчли қисмати, турли ёт унсурларнинг Марказий Осиё халқлари ўртасидаги ўзаро дўстликка рахна солиш, ёш республикамизни илк қадамларидаёқ парчалаб ташлаш йўлида олиб борган ғайриқонуний ва ғаразли курашлари, шу билан бирга уларнинг қутқуларига муносиб тарзда жавоб бера олган ҳарбийларимиз жасорати, қолаверса, асар қаҳрамонлари бўлмиш бур гуруҳ ёшларнинг она Ватан ва севимли ёрга бўлган самимий муҳаббат туйғулари бадиий бўёқларда қизиқарли баён этилган.

Асар Ўзбекистон озодликка эришгач, эндигина тараққиёт сари дадил қадам ташлаётган даврда бўлиб ўтган реал тарихий воқеаларга асосланган бўлиб, у муаллифнинг бадиий тўқималари билан янада бойитилган.

Муаллифнинг мазкур асаридаги Ўзбекистон фуқаролари Нормурод Тўйчиев, Иброҳим Асқаров, Бахтиёр Тўраев, Нурмат муаллим кабилар ўз юртига жонини бахшида этган жасур ва ватанпарвар замондошларимизнинг бадиий образларидир. Уларнинг тақдири, кўрсатган қаҳрамонликлари ватанимиз ёшлари учун ибрат бўлиши шубҳасиз. Зеро, ҳозирги кунда шундай шижоатли, билимли, ватанпарвар ёшларимиз улғаймоқда. Уларни кўрганда кишида мамлакатимиз, халқимизнинг ёрқин келажагига ишонч туйғуси ортади.

Муаллифнинг ўткир сюжетларга бой асарини мутолаа қилган ҳар қандай китобхон қалбида Ўзбекистон деб аталмиш бебаҳо ва бетакрор юртга нисбатан меҳр-муҳаббати жўш уради, унинг Марказий Осиё минтақасида қудратли ва салоҳиятли мамлакат эканига иқрор бўлади ва бундан чексиз фахр-ифтихор туяди. Айни пайтда она Ватан, тинчлик ва осойишталик қадри ҳамма нарсадан ҳам устун эканлигини бу олий қадриятларни кўз қорачиғидек асраб авайлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканини яна бир карра ҳис этади.

**Муҳиддин ОМОН,**
**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ахборот ва таҳлил бўлими бош мутахассиси**

# Можаро маркази яна Яқин Шарқдами?!

**ШАРҲ**

АҚШ Президенти Дональд Трамп 6 декабрь куни «Қуддусни Исроил пойтахти деб расман тан оладиган вақт етиб келди» дея баёнот берганди. У ўз чиқишида шунингдек, АҚШнинг элчихонасини Тел-Авивдан Қуддусга кўчириш масаласида тайёргарлик кўришга фармойиш берганлигини айтди.

Унинг исроилликлар учун ҳам, фаластинликлар учун ҳам мақбул бўлган тинчлик битимига эришиш йўлида "қўлидан келган" барча ишларни қилиши борасидаги ушбу баёноти, дунё жамоатчилигини ташвишга солиб қўйди, албатта.

Жаҳон, жумладан, араб давлатларининг етакчилари Дональд Трампнинг бу қарорини кескин танқид қилди. Хусусан, Германия канцлери Ангела Меркель Қуддус мақоми Исроил ва Фаластин ўртасидаги мулоқот доирасида ҳал этилиши кераклигини таъкидлади. Россия ва Туркия президентлари эса АҚШнинг бу қароридан ташвиш билдирди. Владимир Путин ва Ражаб Тоййиб Эрдўғон телефон орқали мулоқоти чоғида бундай қарор Яқин Шарқда кескинликни бартараф этиш истиқболларини пучга чиқаришини таъкидладилар.

Европа Иттифоқининг ташқи ишлар масалалари бўйича олий вакили Федерика Могерини фаластинликлар ва исроилликлар ўртасида эришилган тинчлик битимига рахна солувчи ҳар қандай қадамлардан тийилиб туриш лозимлигини таъкидлади. У Қуддус ҳам, Исроил ҳам Фаластин давлати пойтахти бўлиши шартлигини айтди. БМТ Бош котиби Антониу Гуттериш "Исроил ва фаластинликлар ўртасидаги тинчлик муносабатларини барқарорлаштиришга таҳдид соладиган бир томонлама чораларга ҳамиша қарши чиқиб" келганини таъкидлади. Франция ташқи ишлар вазирлиги Қуддус мақоми Исроил — Фаластин музокараларида белгиланиши кераклигини таъкидлади. Туркия кескин баёнотлардан ташқари, Исроил давлати билан дипломатик алоқаларни тўхтатиш ва Америка — Туркия қўшма иқтисодий дастурларини вақтинча тўхтатиши борасида маълум қилди.

Америка элчихонасининг Қуддусга кўчиб ўтиши ва бу шаҳарни Исроилнинг пойтахти дея тан олиниши халқаро консенсусга мос келмайди. Ғарб мамлакатларининг кўпчилиги Қуддусни Исроилнинг пойтахти сифатида тан олмайди. Фаластинликлар мусулмон, насроний ва яҳудийлар учун муқаддас бўлмиш Эски шаҳарни ўз ичига олган Шарқий Қуддус ўзларининг пойтахти дея эълон қилинишини талаб қилади.

Араб давлатлари лигаси мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг 10 декабрь куни Миср пойтахтида бўлиб ўтган фавқулодда йиғилишида баёнот қабул қилинди. Унда АҚШнинг Қуддусни Исроил пойтахти деб тан олиш ҳақидаги қарори халқаро қонунчилик ва БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан қабул қилинган резолюцияларни қўпол бузиш ҳисобланади, деб таъкидланди. Араб Давлатлари Лигаси вазиятни баҳолаш ва навбатдаги ҳаракатлар масаласида келишиб олиш учун бир ойдан кейин яна учрашув ўтказишни режалаштирмоқда.

13 декабрь куни эса Истанбулда Ислом ҳамкорлиги ташкилотининг фавқулодда саммити бўлиб ўтади. АҚШнинг Яқин Шарқдаги узоқ йиллик энг яқин ҳамкори Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Одил ал-Жубайр АҚШдан Қуддусни Исроил пойтахти деб тан олиш қарорини қайта кўриб чиқишга чақирди. Араб давлатлари лигаси 1967 йил 4 июндаги чегараларга эга, пойтахти Қуддусда бўлган Фаластин давлатининг халқаро майдонда тан олинишига чақирди.

БМТ Бош котиби Антониу Гуттеришга Хавфсизлик Кенгашининг 15 та аъзосидан 8 таси — Франция, Боливия, Миср, Италия, Сенегал, Швеция, Буюк Британия ва Уругвай илтимос билан чиққанидан сўнг бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик кенгашининг фавқулодда мажлисида барча 14 аъзо давлат (БМТ ХКда АҚШни қўшиб ҳисоблаганда 15 та аъзо бор) АҚШ Қуддусни Исроил пойтахти сифатида тан олиши борасида Трампнинг бир томонлама қарорини танқид қилди. Мисрнинг БМТдаги вакили қарорни «хавфли намуна» деб атади. Буюк Британия, Италия, Швеция ва Германия дипломатлари қўшма танқидий баёнот билан чиқди. Европа давлатлари вакилларининг айтишича, мазкур қарор «БМТ резолюцияларига мувофиқ эмас» ва «минтақада тинчлик ўрнатилишига ҳеч қандай ёрдам бермайди». Бироқ АҚШнинг вето ҳуқуқини инобатта олган БМТ Хавфсизлик кенгаши бирор-бир ҳужжат қабул қилмади.

Айтиш керакки, Дональд Трампнинг бу қарори минтақадаги бир қатор мамлакатлар аҳолиси томонидан оммавий норозиликларга сабаб бўлди. Иордания, АҚШнинг Истанбулдаги консуллиги олдида ва Покистонда норозилик намойишлари бошланиб кетди. Минглаб тунисликлар бир неча шаҳарларда кўчага чиқди. Қуддусда АҚШнинг бу қарорига нисбатан фаластинликлар ўтказган



намойишлар тартибсизликларга айланиб кетди. Тўқнашувлар Хеврон, Байтлаҳм ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоқларидаги бошқа шаҳарларда ҳам бўлиб ўтди. Индонезия пойтахти Жакартада 6 мингга яқин киши Трампнинг Қуддусни Исроил пойтахти сифатида тан олиш ҳақидаги қарорига норозилик билдириш учун АҚШ элчихонаси яқинида тўпланди.

Президент Дональд Трамп яқин орада вице-президент Майк Пенсни Яқин Шарққа терроризмга қарши кураш бўйича музокараларга юборишни режалаштирган эди. Бироқ Фаластин раҳбарияти АҚШнинг ҳеч бир делегациясини, жумладан, вице-президент Майк Пенсни ҳам қабул қилмаслигини билдирди.

Қуддус шаҳри мақоми Исроил—Фаластин можаросининг энг нозик масалаларидан биридир. Фаластинликлар бу шаҳарни бўлғуси давлатларининг пойтахти деб билади. Исроил Шарқий Қуддусни босиб олган ва бутун шаҳарни ўзининг пойтахти деб эълон қилган эди, аммо унинг бу хатти-ҳаракатини жаҳон ҳамжамияти тан олгани йўқ. Кўпчилик мамлакатларнинг элчихоналари Тел-Авив шаҳридадир. Қуддуснинг мақоми 1947 йил ноябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 181-резолюцияси томонидан белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, шаҳар халқаро назоратда бўлиши керак эди. Шу пайтгача бирор-бир мамлакат Қуддус шаҳрида элчихона очгани йўқ.

АҚШ Конгресси 1995 йилда элчихонани Тел-Авивдан Қуддусга кўчириш борасида қонун қабул қилинган эди. Бироқ шаҳарнинг мақоми борасидаги баҳслар ва араб–исроил муносабатларини кескинлаштирмаслик мақсадида Американинг барча раҳбарлари ҳар ярим йилда бу қонун бажарилишини кейинга қолдиришга қаратилган ҳужжатни имзолаб турарди.

Шу ўринда Қуддус ҳақида қисқача маълумот. Шаҳарнинг қадимий қисмига одамлар эрамиздан аввалги 4-минг йилликда келиб жойлашгани тарихдан маълум. Бу Қуддус энг қадимий шаҳарлардан бири эканлигидан далолат беради. Шу давр мобайнида Қуддус камида икки марта бузиб ташланган, 23 марта қамал қилинган, 52 марта ҳужумга учраган, 44 марта забт этилган ва қайта эгаллаб олинган. Асрлар давомида турли буюк империялар ҳукмронлиги остида бўлган.

Биринчи жаҳон уруши натижаларига кўра, Буюк Британия Қуддусни ўз назоратига олади. Инглизларнинг генерал Эдмунд Алленби қўмондонлигидаги Миср корпуси 1917 йилда Қуддусни эгаллаб олди. Генерал муқаддас шаҳарга ҳурмат бажо келтириш маъносида 11 декабрь куни пиёда Қуддусга киради. Британия ҳукмронлиги йилларида Фаластиннинг маъмурий маркази бўлмиш Қуддус ғарбида янги шаҳар пайдо бўлади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Буюк Британиянинг Фаластиндаги ҳукмронлигига барҳам берилди. 1947 йилнинг 29 ноябрида БМТ Бош Ассамблеяси «Фаластиннинг бўлажак ҳукумати» («Фаластинни бўлиш тўғрисида» номи билан машҳур) 181-резолюцияни қабул қилди. Унга кўра, Буюк Британия мандати остидаги Фаластинда иккита — араб ва яҳудий давлатлари ташкил этиш кўзда тутилган эди. Қуддус масаласида эса БМТ бошқарувида «махсус халқаро режим» тавсия қилинди. Махсус режим муддати 10 йилга мўлжалланган бўлиб, шундан сўнг референдум ўтказилиши, унинг натижасига кўра шаҳарликларнинг ўзлари Қуддус мақомини белгилашлари керак эди. Бироқ бу режа ҳаётга татбиқ этилмади. Исроил бу режага рози бўлди, аммо Фаластин вакиллари бу резолюцияга боғланиб қолмасликларини айтишди.

1948 йилнинг май ойида Буюк Британия мандати тугаб, инглизлар минтақани тарк эта бошлашлари билан ўша йили Араб–Исроил уруши бошланиб кетди. 15 май куни Қуддус Иордания ҳарбийлари томонидан ҳужумга учради. Орадан бир неча кун ўтиб Миср ҳарбийлари ҳам шаҳарга кириб келди. Эндигина ташкил этилган Исроил қуролли кучлари ҳам қўл қовуштириб ўтирмади, улар Қуддуснинг янги шаҳар қисмини қўлга киритди. 1948 йилнинг 11 июнида томонлар келишувга эришди. БМТ элчиси Фольке Бернадот томонларга маъқул бўлган режани тақдим қилди. Унга кўра томонлар шаҳарни интернационализациядан воз кечишлари керак эди. Аммо ҳар икки томон бу режани қабул қилмади. 1948 йилнинг сўнгига бориб Қуддус амалда иккига бўлиниб қолган эди. Шарқий Қуддус ва Иордан дарёсининг Ғарбий соҳили араблар назоратида бўлса, Ғарбий Қуддус яҳудийлар назоратига ўтди. 1949 йилнинг 3 апрелида сулҳ имзоланди.

1949 йилнинг декабрида бош вазир Д.Бен-Гурион «Яҳудийлар Қуддуси»ни Исроил давлатининг таркибий қисми ва бўлинмас пойтахти дея эълон қилди ҳамда пойтахтни Тел-Авивдан Қуддусга кўчириш таклифини илгари сурди. 1967 йилда «Олти кунлик» уруш натижасида Исроил Шарқий Қуддусни эгаллаб олди ва Ғарбий Қуддус билан бирлаштирди. Бироқ БМТ бу қарорни тан олмади. Шундан бери Исроил Қуддус ўзининг ягона пойтахти эканини айтиб келади, бироқ Фаластин Шарқий Қуддус ўзининг пойтахти бўлиши кераклигини таъкидлайди. 1997 йили Фаластин Қонунчилик Кенгаши 2002 йилда Фаластин Миллий маъмурияти раиси Қуддус Фаластин давлатининг пойтахти эканлиги борасидаги Қонунни имзолаши керак деган қарор қабул қилган эди. Бироқ БМТга аъзо 100 дан ортиқ мамлакат тан олган бўлишига қарамай, Фаластин давлати ҳамон ташкил этилмаган.

*Сўзимизни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, эндигина яқин Шарқда, яъни Сурияда келишувга эришаётган бир пайтда Исроил–Фаластин масаласининг кун тартибига қўйилиши албатта, барчани ташвишга солади. Инсоният бу можароларни бартараф этиб, дунёда тинчлик ўрнатиладиган замон келармикан, деган гап хаёлдан ўтади.*

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ**

## БУ ТУРФА ОЛАМ

### УЙҚУГА ТЎЙМАСЛИК КАСАЛЛИК...МИ?

**Йел университети олимлари уйқунинг чала бўлиши алкоголга тобеликни келтириб чиқариши мумкинлигини аниқлашди.**



Тажрибада 42 нафар ёшлар иштирок этди. Уйқуга тўймасликдан шикоят қилган ушбу қатнашчилар ўтган ой мобайнида кўп миқдорда спиртли ичимлик истеъмол қилганини айтишган. Аввалига кўнгиллиларнинг бир ҳафта давомидаги уйқуси ва истеъмол қиладиган алкоголь миқдори назорат қилиб борилди. Натижада кўп миқдорда спиртли ичимлик истеъмол қилган иштирокчилар кеч ухлаб, уйқудан кеч туриши кузатилди.

Олимлар уйқунинг мунтазам чала бўлиши инсульт, юрак қон-томир касалликлари ва қандли диабетнинг келиб чиқишига замин яратишини таъкидлашмоқда.

### ЭНГ ҚАДИМГИ КЎЗ

**Халқаро олимлар гуруҳи тошга айланиб қолган кўз қолдиғини топишди. Унинг ёши 530 миллион йил деб тахмин қилиняпти.**



Ушбу топилма палеозой эрасида (541– 251 миллион йил аввал) яшаган ва айни пайтда қирилиб кетган трилобит (умуртқасиз денгиз бўғимоёқлилари оиласига мансуб жонзот)га тегишли экани қайд этилмоқда. Олимлар уни тузилишига кўра, фасет кўз – ҳашаротларнинг бир қанча содда кўздан иборат кўриш органи эканини аниқлашди. Қизиғи шундаки, фасет кўзда юзга яқин алоҳида кўзчалар мавжуд бўлиб, 500 миллион йилдан зиёд вақт ўтишига қарамасдан унинг тузилишида кўп ўзгариш бўлмаган. Фақат унда ҳозирги ҳашаротларда бўладиган сиртқи линзалар йўқ. Ушбу жонзотнинг кўриш қобилияти яхши бўлмаган, аммо йиртқичлар ва йўлида учрайдиган табиий тўсиқларни кўра билган. Тадқиқотчилар ушбу кўз қолдиғини топилмалар ичида энг қадимийси эканини таъкидлашмоқда.

### ШАҲАР АҲОЛИСИ УЧУН ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР БЕФОЙДА...МИ?



**Жисмоний машқларни мунтазам бажариб турадиганлар бор. Шаҳарда яшайдиганлар учун бу қандай натижа беради?**

Лондон қироллик коллежи ва АҚШнинг Дьюка университети олимлари шу саволга жавоб топишди. Уларнинг фикрича, ифлосланган шаҳар ҳавосида жисмоний машқлар самараси нолга тенг бўлиб қолади. Бу икки йил давом этган тадқиқотда аниқланди. Унда 60 ёшлар атрофидаги 119 нафар кўнгилли иштирок этди. Шулардан 40 нафари сурункали ўпка хасталиги, 39 нафари юрак ишемик касаллигидан азият чекканлар эди. Ҳар 3-8 ҳафтада иштирокчилар икки соатлик сайрга чиқиб туришди. Тадқиқотчилар эса уларнинг сайрдан олдинги ва кейинги ҳолати: нафас сиқилиши, йўтал, терлаш ва бошқа жисмоний кўрсаткичларни кузатиб борди. Натижада тинч-осойишта ҳудудларда сайр қилганларнинг ўпкасида, қон томирларида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Аксинча, автомобилдан чиқадиган газлар билан ҳавоси ифлосланган ҳудудларда сайр қилган иштирокчиларда эса бу машқдан ҳеч қандай фойда бўлмагани аниқланди. Мутахассислар шаҳар ҳавосининг ифлосланишига қарши курашиш чораларини кўриш лозимлигини таъкидлашмоқда.

### ЎЙИНЧОҚНИНГ КАМРОҒИ ЯХШИ...

**Болаларнинг ўйинчоқлари қанча кўп бўлса, ақлий қобилияти шунча юқори бўлади, деган фикрдамисиз? АҚШнинг Огайо штатидаги Толедо университети олимлари буни инкор этишмоқда. Улар ўтказган тадқиқотда ўйинчоқнинг керагидан ортиғи болада фикрни жамлашнинг сусайиши ва хулқида парокандалик келтириб чиқариши мумкинлигини исботлади.**



Тажрибада кичик ёшдаги 36 нафар бола қатнашди. Уларнинг айримларига тўртта, бошқаларига эса 16 тагача ўйинчоқ берилди. Кўп ўйинчоқ қуршовидаги болалар уларнинг қай бирига қарашни билмай, чалғишди, диққатлари бўлиниб, бошлаган ўйинларини охирига етказмасдан ташлаб кетишди. Иккинчи гуруҳдагилар эса бир маромда ўз "иш"ларини давом эттиришди.

Британияда ўртача ҳисобда ҳар бир болага 200 тадан ўйинчоқ тўғри келиб, улардан фақат бир нечтасинигина ўйнашар экан. Мутахассислар ота-оналар ва тарбиячиларга ўйинчоқларни кўпайтирмасликни маслаҳат беришмоқда. Чунончи, олимлар диққатнинг камайиб бориши бола ёшидан пайдо бўлиб, аста-секин интеллектуал салоҳиятнинг пасайиши ва маълумотларни қабул қилишда қийинчилик туғилишига олиб келишини қайд этаётир.

**Интернет материаллари асосида**
**Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.**

**ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ**

## ЭНГ ҒАРОЙИБ КЎЛЛАР

***Сайёрамиз шу қадар ҳайратланарли жойларга бойки, баъзан уларни кўрган киши кўзларига ишонмаслиги аниқ. Қуйида турли рангларда жилоланувчи ва ғаройиб хусусиятлари билан ажралиб турувчи айрим кўллар ҳақида ҳикоя қиламиз.***

### КИСЛОТАЛИ КЎЛ



Мазкур кўл Италиянинг Сицилия вилоятида жойлашган бўлиб, у заҳарлилиги ва "ўлим кўли" номи билан машҳур. Ушбу кўлда бирор ўсимлик ўсмайди, тирик мавжудот яшолмайди, ҳатто кўл тепасидан учиб ўтувчи қушлар ҳам "қадамини билиб босади". Унда чўмилиш ҳам мумкин эмас, чунки бу муқаррар ҳалокатга сабаб бўлади. Кўл суви таркибида кўп миқдорда олтингугурт кислотаси концентрати бор. 1999 йилда олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўлга икки манба орқали олтингугурт кислотаси келиб қолгани аниқланди. Бироқ сайёҳлар бу ғаройиб кўлни кўриш учун қанча бўлса-да, йўл босиб келишади. Фақат кўлга яқин боришнинг иложи йўқ.

### ТОВЛАНУВЧИ КЎЛ



Минерал тузлар ва сув ўтлари билан мўъжизакор равишда безалган "беш рангли кўл"да осмон ва ер аксини кўриш мумкин. Унинг ранги вақти-вақти билан сариқдан тўқ яшилгача ўзгаради. Бироқ кўл, асосан, кўк-олмос рангда бўлади. Кўлнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг суви ҳеч камаймайди ва қишда музламайди. Бунда қандайдир сир бордек. Балки шу боис Хитойнинг Сичуан вилояти шимолида жойлашган мазкур кўлни маҳаллий аҳоли "сеҳрли" деб билар.

### МЕДУЗАЛАР КЎЛИ



Палау архипелагида жойлашган Медуза кўли дунёда ўхшаши йўқ кўллардан бири. Уни 25 миллионга яқин медузалар — мастигиаслар макон этган. Одатда, медузалар кўл ўртасига йиғилиб, қаттиқ девор ҳосил қилади. Агар бирор киши бу деворга яқинлашгудек бўлса, жонзотлар меҳмонни ўртага олиб, атрофини ўраб олади. Лекин бу ҳолат хавфли эмас, чунки эволюция жараёнида улар ўз заҳарли ҳужайраларини йўқотган. Бироқ сув пастига шўнғиш ҳам ярамайди, боиси 10 метр чуқурликдан кейин сув заҳарлаш хусусиятига эга.

Палауда бугунги кунда мастигиас медузалари яшовчи учта кўл мавжуд. Мазкур кўллар алоҳида-алоҳида ерда жойлашган бўлса-да, биологлар ундаги медузалар эволюцияси бир хил кечганини исботлашган.

### ПУШТИ КЎЛ



Пушти кўл дея аталувчи Ретба кўли Сенегалда жойлашган. Сувининг ўзига хос ранги туфайли кўл шу номни олган. Олимларнинг аниқлашича, бундай ранг сувдаги кўп сонли сианобактериялар (фотосинтез қила олиш қобилиятига эга бактериялар) туфайли юзага келган. Қуёш нурини ютган микроорганизмлар сувнинг рангини ўзгартирувчи пигментлар ишлаб чиқаради. Бу, айниқса, қуруқ мавсумда яққол кўзга ташланади. Кўлда бошқа органик ҳаёт мавжуд эмас — балиқлар ва бошқа сувости жонзотлари учун туз миқдори жуда юқорилик қилади. Сув таркибидаги туз миқдори 40 фоизни ташкил қилади. Қарийб ярим асрдан буён кўл ҳавзасидан туз қазиб олинади.

### ОЙНАКЎЛ



"Алпомиш" достонидаги Ойнакўл эсингиздами? Буни қарангки, узоқ Боливия тарафларда ҳам шундай кўл бор экан. Фарқи шуки, машҳур ўзбек эпосидаги Ойнакўл — ҳақиқий кўл, яъни у сувининг тиниқлигидан шундай аталган. Боливиянинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган кўлнинг асл номи эса тузли Уюни — дунёдаги энг йирик қуриган тузли кўл ҳисобланади. Унинг майдони 10582 квадрат километр бўлиб, у ибтидоий даврдаги кўллар ўзгариши натижасида юзага келган. Ҳисоб-китобларга кўра, кўл ҳавзасида 10 миллиард тонна туз бор. Кўлдаги кучли ёмғирлардан сўнг тўпланган сув юзаси ҳақиқий кўзгуга — ойнага айланади.

**Г.ТУРСУНПЎЛАТОВА тайёрлади.**

**ЭЪЛОНЛАР**

Тошпўлатова Турсунга тегишли бўлган Қарши тумани "Дашт" МФЙ, "Ойдин ҳаёт" кўчаси, 26-уйнинг кадастр ҳужжати ва гувоҳномаси йўқолганлиги муносабати билан

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент кимё-технология институти томонидан Исломов Шуҳрат Анвар ўғлига 2016 йили берилган BN 863457 0694 т.р рақамли диплом йўқолганлиги туфайли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# АСЛНИ СОХТАДАН АЖРАТИШ ФУРСАТИ КЕЛДИ

**МУНОСАБАТ**

Атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов ўзбек халқининг Марказий Осиёга таъсирини қадим Византиянинг Европага таъсирига қиёслаган эди. Чингиз оғадек шахслар ҳеч бир гапни беҳуда айтмайди. У киши халқимиз даҳосини асрлар, минг йилликлар силсиласида намоён этиб келаётган миллий адабиётимиз, санъатимиз, умуман, маданиятимиз тимсолида баҳолаганига шубҳа йўқ.

Мақом — миллатимизнинг ана шундай тимсолларидан биридир.

Унинг гултожи бўлган "Шашмақом" ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий мероси сифатида эътироф этилиб, унинг Репрезентатив рўйхатига киритилгани бежиз эмас. Мақом санъатимиз азалдан инсонларни эстетик тарбияловчи улуғ воситалардан бири бўлиб келган. Унинг аҳамияти йиллар, асрлар ўтсада, асло камаймайди. Давлатимиз раҳбарининг яқинда имзолаган "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса уни янада теранроқ ўрганиш, тарғиб қилиш сингари улуғвор ишларда дастуриламал вазифасини ўтайди.



Шу йилнинг август ойида Президентимиз мамлакат ижодкор зиёлилари вакиллари билан ўтказган учрашувда адабиёт ва санъатимиз, миллий маданиятимизнинг бугуни ва эртаси, ривожланишига доир жуда кўп жўяли маслаҳатлар берган эдилар. Ўшанда миллий эстрада ва мумтоз қўшиқчилик санъати олдида турган долзарб муаммолар хусусида ҳам атрофлича фикр юритилган, таҳлилий ва танқидий мулоҳазалар билдирилган эди. Давлатимиз раҳбарининг **"биз халқимизнинг ноёб мероси бўлган мақом санъатини нафақат юртимизда, балки бутун дунё бўйлаб кенг тарғиб қилиш, керак бўлса, халқаро миқёсда мақом танловларини ташкил этиш устида ишлашимиз керак"**, деган сўзлари ўшандаёқ кўпчилигимизни тўлқинлантириб, олди-қочди, сохта қўшиқчи-машшоқларнинг усулсиз куйларига чек қўйилаётгани маълум бўлган эди. Мана энди бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб қабул қилинган махсус қарорда халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг қадимий тарихи, теран фалсафий илдизлари, бетакрор бадиий услуб ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутиши, ушбу ноёб санъатнинг нафақат юртимиз ва Шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида катта шуҳрат ва эътибор қозонганлиги ифтихор билан таъкидланди. Шунингдек, ёш авлод қалбида энг улуғ инсоний туйғуларни шакллантириш, унинг эстетик диди ва тафаккурини кенгайтиришда мақом санъатининг кенг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Мана энди аслни сохтадан, ҳақиқийни нусхадан ажратиш вақти келди.

Шу маънода, мазкур қарор миллий маданиятимиз арконларининг асосларидан бири ҳисобланган мақом санъати истиқболи борасидаги тарихий ҳужжатлардан бўлиб қолиши шубҳасиз. Унда миллий мақом санъатини ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий камолотда тутган ўрни, қадимий маънавий-маданий қадриятлар ва миллий анъаналарни қайта тиклаш ҳамда бойитиш, шунингдек, бозор муносабатлари шароитида мумтоз санъатимиз тараққиётини қўллаб-қуватлаш сингари масалалар қамраб олингани соҳа истиқболида муҳим аҳамият касб этади.

Мақсад ва вазифалар жуда улкан. Унда жамият маънавий тараққиётини таъминлашнинг умуминсоний талаблари тўлалигича қамраб олинган. Айниқса, ўзбек миллий мақом санъати Марказини ташкил этиш ва шу орқали мақом санъатини янада ривожлантириш борасида илгари сурилган ғоялар улуғвор.

Энди ижодий мактаблар ва устоз-шогирдлик анъаналарини, буюк бастакорлар, ҳофиз ва созандалар меросини илмий асосда чуқур ўрганиш ижодий ўсишнинг омили бўлиб хизмат қилади.

Бу санъатнинг кўп асрлик ижро йўлларини пухта ўзлаштириб, уларни янгича усуллар билан бойитиб, ёш авлод вакилларига ўргатиб келаётган мақомчилар, илмий-педагог олимлар ва мутахассислар фаолияти Мақом марказида алоҳида ўрин тутади. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳал этилади.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг Мусиқий шарқшунослик кафедраси негизида "Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси" кафедраси ташкил этилиши, вилоятлардаги педагогик олий таълим муассасаларининг мусиқий таълим йўналишида мақом санъатини махсус фан сифатида ўқитилиши, юртимизда мақом санъати бўйича хорижий етук ижрочиларнинг ўзаро тажриба алмашуви, маҳорат дарслари ҳамда турли халқаро мақом анжуманлари, танловлари катта натижалар беришига шубҳа йўқ.

*2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш, Оқсарой майдонининг тарихий қисмида мақом санъатига бағишланган музей ва миллий созлар лабораториясини ташкил этиш каби улуғвор мақсад ва истаклар замирида ватан, миллат, халқнинг орзу умидлари, миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлиги қолаверса, буюк меросимизга чексиз ҳурмат ва эҳтиром мужассам. Мақом йўналишида ижод қилиб келаётган ижодий жамоалар, ансамбллар 2023 йилгача барча солиқ тўловларидан озод этилиши ижодкорлар учун жуда катта имконият эканлигидан ташқари айни пайтда давлат раҳбарининг миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг кўп асрлик бой хазинасига бўлган юксак эътиборидан дарак беради.*

**Азамат ҲАЙДАРОВ,**
**Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори**

**МАТОНАТ**

*Ҳар бир инсоннинг тақдири ўзгача. Ўзига етган неъматларга шукр қилиб, ҳаётнинг пасту баланд йўлларидан юра олиш, мушкулотларга сабр этиб, ҳаёт синовларига бардош бериш фақат иймонли, иродали кишиларнинг аъмолидир.*

*Шаҳрихон туманининг Найнаво қишлоғида яшовчи Зокиржон Тошпўлатов ҳам шундай юртдошларимиздан. Тақдирида битилган экан, Зокиржон кўзлари ожиз ҳолда дунёга келган.*



# Ҳаёт синовлари

Энди тасаввур қилинг, орзиқиб кутилган фарзандининг бу ҳолати мушфиқ онаизорни қай аҳволга солади, дардини бировга айтавермайдиган отани-чи?

Эр-хотин бир-бирига ҳадеб дардини ёравермас, ҳаётлари бир маромда кечар, аммо кўнгилларидан нима кечаётгани ўзларига аён эди. Унсиз, аччиқ кўзёшлар юзларни ювади...

Ҳаётда кўп одамларни кўрамиз. Баъзилар бор, бошига кичкина бир ташвиш тушса, гўё олам ғами елкасига ингандай оҳ-воҳ қилишади. Баъзилар бор, олам ғамига сабр айлаб, чин мўминлик белгисини намоён этади. Уларнинг "уҳ" деган товушини эшитмайсиз. Яратган эгам мана шундай бандаларига яхшиликлар насиб айлаши бор гап.

Зокиржоннинг яқинлари ана шундай гўзал сабр намунасини кўрсатдилар. Бунинг ажри қаҳрамонимизга ато этилган ажойиб истеъдод мисолида қайтди.

Зокиржон Тошпўлатовда ўта зийраклик, ўткир фаҳм, теран фикрлаш қобилияти бор.

У 2000 йилдан Асака туманидаги 16-сонли кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатининг мактабгача таълим муассасасида, сўнгра шу мактабнинг ўзида билим олди. Ундаги адабиётга муҳаббат мактаб давридаёқ куртак ёзди. Боғчадаги тарбиячиси Ҳадича опа Қўчқоровадан борлиқнинг бор гўзаллигини боларча беғуборлик билан тушуниб етди, биринчи ўқитувчиси Оминахон опа Алиевадан адабиёт фани, у орқали шеъриятнинг дастлабки тушунчалари билан танишди. Улар ёрдамида илк шеърий намуналарини игна орқали қоғозга битди.

Мактаб-интернатини 2012 йилда аъло баҳолар билан тамомлади. Фарзандининг ижодий қобилиятини шакллантириш мақсадида ота-она ҳам қўлларидан келган барча зарур шароитларни яратиб берди. Шу тариқа Зокиржондаги ижодий қобилият аста-секин шаклланиб бормоқда.

Шеърий машқлари тўғрисида Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг илиқ фикрларини эшитган Зокиржоннинг бўйи бир газ ўсди. Самимий эътироф ёш ҳаваскорга илҳом бағишлади.

З.Тошпўлатов шеърлари «Андижоннома», «Ойдин ҳаёт», Шаҳрихон туманининг «Шаҳрихон» газеталарида чоп этилган.

— Мен брайл алифбосидаги адабиётларни мунтазам ўқиб бораман, — дейди 23 ёшли Зокиржон Тошпўлатов биз билан суҳбатда. — Айниқса, менга республикамиз миқёсида чоп этилаётган «Бир сафда» журнали жуда ёқади. Бу журналнинг махсус брайл усулидаги сонларидаги мазмунли мақолалар, қизиқарли ҳикояларни ўқиш менга завқ бағишлайди. Афсуски, юртимизда брайл ҳарфларида чоп этиладиган адабиётлар сони жуда ҳам оз. Келажакда улар сони ортса яхши бўларди.

Зокиржоннинг нияти холис экан. У билан суҳбатлашганимиздан кўп ўтмасдан матбуотда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро ногиронлар куни (3 декабрь) арафасида «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Қувонарлиси, мазкур фармонда ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, катта ёшдагиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида умумтаълим мактаблари негизида имо-ишора тили ва Брайл алифбосини ўргатиш бўйича ушбу соҳадаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус курсларни ташкил этиш; тегишли материалларни нашр қилишни рағбатлантириш, муҳим соҳаларда аудио китоблар яратиш ва уларни жорий этишни назарда тутган ҳолда имо-ишора тили ва Брайл алифбосини қўллаш имкониятларини кенгайтириш сингари кўплаб муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Бу Зокиржон Тошпўлатов сингари кўплаб юртдошларимизни ниҳоятда мамнун этди.

Дарвоқе, яна бир гап. Яқинда ўтказилган республика кўзи ожизлар жамиятининг 85 йиллигига бағишланган вилоят байрам тадбири доирасида ташкил этилган брайл услубида ёзилган матнларни тез ва ифодали ўқиш бўйича ўтказилган мусобақада Зокиржон биринчи ўринни эгаллади. Бу бежиз эмас, қаҳрамонимиз ҳар куни ўқийди, изланади, ижод қилади.

Истеъдодли йигит Зокиржон Тошпўлатовнинг игна билан ёзган шеърларидан сизга ҳам илиндик.

**ДУНЁ ИШЛАРИ**

*Оқиб турган дарё сингари,*
*Ўтиб борар ҳар бир кунимиз,*
*Ғам-ғуссаю, шодликлар билан,*
*Синалар бу дардли кўнглимиз.*

*Бу дунёда ёмон иш қилиб,*
*Афсусланма, чекмагин озор,*
*Ҳеч ҳам азоб тортмайин десанг,*
*Ёмон ишга қўл урма зинҳор.*

**ЯХШИ ОДАМЛАР**

*Ёмонликка яқин йўламас,*
*Ўзгага ёмонлик тиламас,*
*Эзгуликдир доим шиори,*
*Ҳурмат топар яхши одамлар.*

*Яхшиликни раво кўради,*
*Покиза қалб, дилкаш бўлади.*
*Номардларга бўйин эгмайди,*
*Мард, самимий, яхши одамлар.*

**Илҳомжон ТОЖИБОЕВ тайёрлади.**
*Андижон вилояти*

# КАТТА ЎЛЖАГА КЎЗ ТИККАН "КАЛХАТ"ЛАР

## ёхуд қонунни оёқ ости қилган қонун ҳимоячисининг аҳволи

**КОРРУПЦИЯ – ҲАЛОКАТГА ЙЎЛ!**

Отасини ҳибсга олишгандан бери Жонибекнинг тинчи йўқолган. Кимсан шаҳар прокуратурасининг масъул ходими – судларда жиноят ишлари бўйича прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори бўла туриб, бирор чора тополмаса, нима қилиб юрибди?! Қандай бўлмасин, у ердан отамни қутқаришим керак, нимадир қилишим зарур, дея ўйлагани-ўйлаган. Отаси ҳам кичкина одам эмас, дон маҳсулотлари корхонасининг раҳбари эди. Шу ишнинг орқасидан қанча нарсага эришди, егани олдида, емагани ортида, кайфи чоғ яшаётганларида чақувдан бўлдими, кўролмасликданми, хуллас, хавфсизлик хизмати ходимлари раис ва ўринбосарини икки юз миллион сўмдан зиёд маблағни ўзлаштирганликда айблаб, ҳибсга олишди. Энди оиласидагиларнинг бор умиди Жонибекдан, отасини у ердан олиб чиқиш ҳам, топиш-тутиш ҳам унинг зиммасида. Жўнроқ қилиб айтганда, катта еб, катта кийиб ўрганган фарзандларга кутилмаган зарба оғир ботди. Аввало пул топиш керак, ўйлади у, охири бир қарорга келиб, отаси билан бирга тергов бўлими ҳибсхонасида ётган Муроднинг уйи томон йўл олди.

Ҳалим аканинг ҳам юрагига ғулғула тушиб, ўғли Муродга қандай ёрдам беришни ўйлаб юрганди.

– Мен уларнинг ишини олиб бораётган терговчи билан гаплашдим, – деди Жонибек умидвор тикилган отага синовчан назар ташлаб. – Қирқ минг кўкидан берсак, иккаласини ҳам чиқариб беради. Бермайдиган бўлсак, жиноят кодексининг бир нечта моддалари билан айбланиб, кесилиб кетишади.

– Ўҳу, очиқ-ойдин шунча сўрадими?

– Йўғ-е, мени қаерда ишлашимни унутдиз чоғи, бундай нарсалар очиқ айтилмайди, авзойидан тушундим.

– Демак, йигирматадан топишимиз керак бўладими?!

– Менда ҳозир унча пул йўқ, сиз ҳаммасини йиғиштириб бераверинг, отам билан ўғлиз чиққандан кейин ўртадаги харажатни қоплаймиз. Йигирматасини корхонага етказилган зарарни қоплаш учун берамиз, қолганини терговчининг қўлига бериш керак.

– Ўзи аниқ айтмаган бўлса, шунча пулни қандай қилиб бермоқчисиз органнинг одамига? Бизни пора беришда айбламайдими?

– Аввал ишни ҳал қилиб берсин-чи, кейин ҳақини "через-через" қилиб етказамиз-да!

– Мендаям чиқса, ҳозир ўнта чиқади, қолганини бир-икки кунда бир амалларман, – деди-да, Ҳалим ака унга ўнг минг АҚШ долларини бериб юборди. Келишилганидек, бир неча кундан сўнг улар яна учрашишди. Жонибек йигирма минг долларни кўриб, "бу етмайди, қолганиниям бир бало қилинг, энди", дея яна муҳлат бериб кетди. Ҳалим аканинг сотиладиган нарсаси қолмади, ҳаммадан ҳам, яхши кунларга деб боқиб юрган ўн тўртта новвоснинг барини сотди-я! Энди биргина йўли бор, қарз кўтаради, шу нодон боласи қамоқдан чиқса бўлгани, бу ёғи бир гап бўлар. У ўртоғи, жияни, қўшниси дегандек, тўрт-беш кишидан яна тўққиз минг саккиз юз долларни йиғиб қўйди.

– Майли, икки юзни ўзим қўшаман, – дедию Жонибек пулни олиб кетди.

Бу орада амакисининг ўғли Шокир билан учрашди. У ҳам дон маҳсулотлари корхонасида амакисининг қўл остида ишлаб, собиқ раҳбарнинг эркатойи бўлиб юрарди.

– Нима бўлди, бирор вариантини топдингми? – сўради у ўзини ҳамдардларча тутишга уриниб.

– Пулни-ку топдим, Муроднинг отаси мени терговчи билан гаплашган, деб ўйлади. Лекин энди ишни чўзмай, тез ҳал қилиб берадиган одам керак.

– Э, менга қара, аввал органда ишлаган Акром акани-чи, Тошкентда академик танишлари бор, айтиб кўрайлик!

Бу таклиф Жонибекка маъқул тушди, уччовлон гапни бир жойга қўйиб, пойтахтга йўл олишди. Энди бу ишга Акромнинг таниши Олимбек ҳам бош қўшди. Бу ёғини сўрасангиз, занжир бўлди: Олимбек юқори органда ишлайдиган Баҳриддинни, Баҳриддин эса ўзини "ҳукуматда ишлайман" деб таништирган Дилмуродни бошлаб келди. Занжирнинг "бақувват ҳалқалари" вазиятни ўрганиб, ўзлари қўнғироқ қилишини айтишди.

Бу орада Жонибек неча марта Тошкентга қатнади, янги танишлари билан учрашиб турди. Аммо қассоб кўп бўлса, мол ҳаром ўлади деганларидек, бели бақувват акалар ишни аччиқ ичакдек чўзишди. Кейинги гал у Шокирга тўпланган пулни бериб, "уларга буни кўрсатиб, иш ҳал бўлгандан сўнг олишларини айтасан", дея тайинлади.

Шокир билан Акром эндиги сафар пойтахтга бориб, узил-кесил жавоб билан қайтишлари керак эди. Улар шаҳар четида жойлашган сой бўйидаги чойхонада акахонларга дастурхон ёзиб, кутиб олишди. Аввалига ўзларини сипо тутиб, бундай нозик ишни осонгина ҳал қилиб бўлмаслигини айтиб



турган акалар бироз қизишиб олишгач, мақсадга кўчиб қўя қолдилар:

– Зарар қопланган бўлса, улар қамалмаслигиям мумкин, фақат... саксон минг кўкни тайёрлаб қўясиз. Судгача чиқариб юбориш керак бўлса, эллик, судда чиқарадиган бўлсак, ўттиз беш кўк, – деди-да, Дилмурод "даллол"ларнинг "реакция"сини кузатди.

Баҳриддин ҳам унинг гапини маъқуллаб, қўшиб қўйди:

– Рози бўлсаларинг, уларни уч кунда чиқариб оламиз!

Аммо Шокир ҳам анойилардан эмас, бўзчининг мокисидай шунча йўлга бекорга қатнаб юргани йўқ, қўлида турган шу маблағдан бир нима ундирмай, барини уларга бериб юборадиган нодон бораканми?! Шу тобда анави машҳур спектаклдаги Ўткурийнинг гапи унинг хаёлидан ўтди: дилни яйратадиган ҳам, тилни сайратадиган ҳам пул, пул... Сўнг фикрини жамлаб, ўзиям сайради.

– Йўғ-е, акалар, бу биз учун жуда катта пул, арабистоннинг шаҳзодаларидан бўлсак-ку, бошқа гап эди, – деди у оғиз пойлаб турган "ҳимоячи"ларни бироз юмшатишга уринаркан зўрма-зўраки кулиб. Унинг ҳиринглашига Акромдан бошқа биров қўшилмади. Шундай бўлса-да, Шокир ўзини йўқотмади, ўлганнинг устига тепган қабилида иш тутаёттан бу суллоҳларнинг нархини пасайтириб қўймоқчи бўлди ва:

– Тўғрисини айтаман, акалар, иш битса, эртаси куни ўн беш минг кўк қўлингизда бўлади, битмайдиган бўлса... энди начора, бошқа бирор йўли топилар! – деди.

Буям осонликча жон берадиганлардан эмаслигини тушунган "Бургут"лар борига барака дея "Калхат"нинг чангалидагига рози бўлишди ва бир-икки кундан кейин қўнғироқлашиб оламиз, деб тарқалишди.

Шокир ортга қайтгач, бор гапни Жонибекка айтиб берди. Бундай қулай шартномани эшитиб, унинг кайфи чоғ бўлди ва:

– Ҳа, сен бор-ку, эски тулкисан, бекорга сени жўнатдимми? – деб кулди.

Катта ишни қойил қилган каби маст бўлиб куларкан, Шокир ўзига янаям юқори баҳо бермоқчи бўлди:

– Йў, адашдинг, оғайни, тулкининг овига кўз тиккан қарғаман!

У ҳақиқатан қарғалигини қилди. Иш битса, уларга етказасан, дея Жонибек берган йигирма минг долларнинг беш мингини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди. Улар сурган "танк"лар эса кучсиз бўлиб чиқди, ваъда мужмаллигича қолиб кетди.

Бу ёқда ўғли Муроднинг озод бўлишини кутавериб кўзи тўрт бўлган Ҳалим ака оёғи куйган товуқдай питирлаб қолди. Жонибекнинг ёнига қатнай-қатнай, тинкаси қуриди. Охири унга кўндаланг шарт қўйди:

– Ҳой, бола, мени яна қанча лақиллатмоқчисан, ўғлимга ҳеч қандай енгиллик берилмади-ку, энди, пулни кимга берган бўлсанг, ўшанинг олдига олиб борасан мени!

Жонибек бу қисталанг вазиятдан қандай чиқишни ўйлаб, довдираб ўтирмади, шунчаки кимлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди:

– Хит қилдиз-да, ака! Кўп бошимни қотирманг, кутасиз, тамом-вассалом!

– Ундай бўлса, пулни қайтар! Э, сендақа, қонун ҳимоячисини...

– Пул йўқ, эгасини топиб кетган! У одам сиз билан учрашишни истамаяпти, бўлдими?!

Ҳалим ака чув тушганини билиб, тутақиб кетди ва оғзига келганини қайтариб ўтирмади:

– Эй, бу нима деганинг, қўлингдан келганини қил, демоқчимисан? Асл ниятингни билмаган эканман, чоғи?! Сенга ўхшаган битта-иккита текинхўрларни деб одамлар қонун идорасидан қўлини ювиб, қўлтиғига урган!

Ўғли қамалиб кетгани етмагандай, шунча пулдан айрилган, яна қарзи бошидан ошиб кетган Ҳалим ака қаршисида фақат бир йўл борлигини тушунди.

– Энди ўзингдан кўр, муттаҳам, отанг билан бирга панжара ортида қучоқлашиб ётасан, – дедию тегишли жойга бориб, унинг устидан шикоят қилди.

Охир-оқибат, катта ўлжага кўз тиккан "калхат"ларнинг ўзлари тўрга илинди.

**Холида ФАЙЗИЕВА**

# Бирга қўшиқ куйлашган халқ

Бошланиши 1-бетда

Халқ тўғрисида гап кетса, биринчилардан бўлиб унинг шоирлари тилга олинади. Туркман мумтоз адабиётининг улуғ вакили Махтумқули дастлаб Бухорода, кейинчалик уч йил Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил кўрган бўлса, туркман ёзувчиси Хидир Дарёев, Берди Султонниёзов, Ота Отажонов ва яна бир қанча ижодкорлар ўрта махсус билим ва олий таълимни Тошкентда — Ўрта Осиё давлат университетида ўтаб, Ўзбекистондаги адабий жараёндан баҳраманд бўлдилар. Туркман романчилигининг шаклланишида ўзбек романчилигининг отаси Абдулла Қодирийнинг таъсири катта, кўплаб туркман ёзувчилари уни ўзига устоз деб билганлар. Улуғ адибларимиз — Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Зулфия, Абдулла Орипов асарларини туркманистонлик китобхонлар севиб ўқисалар, Берди Кербобоев, Қора Сейталиев, Ота Отажонов, Хидир Дарёев, Карим Қурбонафасов, Гўзал Шоқулиеваларнинг асарлари ўзбек китобхонларига яхши таниш. Ўзбек адабиётида Туркманистон мавзуси, Туркман адабиётида Ўзбекистон мавзуси, умуман ўзбек-туркман адабий алоқалари ҳақида адабиётшунос олимлардан Раҳматилла Иноғомов, Саид Шермуҳамедов, Сайдулла Мирзаевлар махсус мақолалар ёзганлар.

Навоий ва Махтумқулининг, Андалибнинг шеъру ғазалларини ўқиган, шунингдек, туркман тупроғида киндик қонлари тўкилган Суяв бахши, Полвон бахши, Ўроз Солир, Маткарим Ҳофиз, Бобомурод Ҳамдамовнинг ёки ўзбек санъаткорларидан Ислом шоир, Бола бахши Абдуллаев, Комилжон Отаниёзовнинг хонишини тинглаган ҳар икки халқ вакиллари назарида бу икки миллат санъаткорларининг орасидаги "фарқ" беихтиёр йўққа чиқиб, ўз халқи фарзандлари сифатида улар билан фахрланадилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркманистонда бўлганлиги ва у ерда ўтказилган жаҳоншумул аҳамиятга молик тадбирлар юқорида келтирилган гапларимизнинг жонли мисоли бўла олади.

Ушбу ташриф кунларида Туркманобод шаҳрида Амударё устига қурилган Туркманобод — Фораб автомобиль ва темир йўл кўприкларининг тантанали очилиши дилимизни қувнатди. Ўзбек ва туркман диёри халқининг муштарак нияти шуки, бу кўприклар, бу йўллар қардошлар учун, уларнинг қалбидек, дастурхонидек доимо очиқ тургай.

Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистонга ташрифи ва унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, бўлиб ўтган маданий тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, яхши қўшничилик ва қардошлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганининг яққол намойиши эди. Бунинг давоми ўлароқ, шу йил 12—16 ноябрь кунлари Туркманистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

**ДИЙДОР БАХТИ**

Бахт сўзини турлича талқин қиладилар. Яъни тўкинлик бахти, осойишталик бахти, орзуларнинг ушалиш бахти ва ҳакозо. Лекин бу тавсифларнинг бари дийдор бахтига тенглаша олмаса керак. Шоир Рўдакий ёзганидай, "Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун, дўстлар дийдоридан бўлолмас устун".

Биз бўлиб ўтган маданият кунларини "Дийдор бахти" деб таърифлагимиз келди. Негаки, бир оз вақт ўтдими, дўстлар бир-бирини соғинади, бир-бирига талпинади. Туркманистонлик биродарлар бизни интиқиб кутишганлигини давлат чегарасидан ўтишимиз билан ҳис қилдик. Бу қардошларнинг чеҳраларида, эъзозу ҳурматларида зуҳур этиб турарди. Соғинчдан кейинги дийдор кўришишнинг нақадар завқли, нақадар қудратли, гўзал ва ширали, қувончли эканини ҳар биримиз юрак-юракдан туйдикки, бундан дилларимизга сурур инди.

— Дўстлар дийдоридан ортиқ қувонч, фироғидан ортиқроқ ғам йўқ, — деди нон-туз тотаётганимизда бизни кузатиб турган нуроний кексалардан бири.

Делегациямиз оз эмас, 57 кишидан иборат эди. Дастлабки кун (12 ноябрь 2017 йил) биродарларимиз офтоб ёстиғига бош қўйишга шошилаётган бир вақтда бизни яшнаб турган Дошўғиз шаҳри бўсағасида кутиб олишди. Кечки суҳбатдан сўнг, осмонда юлдузлар чарақлаб турган пайт аэропортга бориб, ҳаво кемасида чексиз Қорақум бўйлаб шаҳри азим Ашхобод сари парвоз қилдик.

Тиниқ осмонда учаётиб, беихтиёр фикрга берилибмиз. Агар кундуз куни бўлганда эди, қарасангиз ҳаво кемаси қаноти остида қум этагида жойлашган Исмомут ота зиёратгоҳига кўзингиз тушарди. Пастдаги дашту биёбонда бир вақтлари, ўнлаб асрлар муқаддам савдо карвонлари ўтган Қалъаликир, Довдон қалъа, Замахшар қалъалари кўз олдингизда гавдаланади.

Дарвоқе, Замахшар... Ҳув ана, тун маликаси Ой нурида элас-элас кўзга ташланаётган қумлоққир... XI асрларда яшаб, авлодларга бениҳоя бой илмий-адабий мерос қолдирган, маърифат дунёсида диний илмлар, луғатшунослик, грамматика, аруз, адабиётга ва мантиққа оид кўплаб асарлар қолдирган Маҳмуд аз-Замахшарий туғилган қишлоқ. Арабларга биринчи грамматикасини ёзиб берган ва араблар: — "Замахшарий бўлмаганда саводсиз қолардик" — дея улуғлаган устоз. Махтумқули Хивага ўқиш учун бораётганда ва юртига қайтаётганда, отда, туяда, гоҳи яёв шу қалъалар тупроғини бир неча бор босиб ўтиб, ҳазрат Замахшарий қабрини зиёрат қилган бўлса, ажабмас.

Қаранг, ўнг қанотимиз томонда бир вақтлари ривоятларда таърифлари достон бўлиб қолган Шоҳсанам қалъаси қад ростлаган эди. Эрамиздан аввалги мингинчи йилликдан милодий 12 асрларгача гуллаб-яшнаган, маркази пештоқи ганждан манзарали ўймакорлик нақшлари билан безатилган масжид ва карвонсаройлар ҳамда бошқа муҳташам иморатларга бой бўлиб, 13 асрда мўғуллар ҳужуми натижасида вайронага айланган шаҳар. Эҳ-ҳе, тарихда бу саҳроларни кимлар босиб ўтмади.

Хаёл билан бўлиб, қирқ дақиқа ўтиб-ўтмай, оқ шаҳар Ашхобод осмонига яқинлашиб қолганимизни сезмай қолибмиз. Соат миллари 22:00 га бориб қолибди. Шаҳар бошдан-оёқ нурга чўмилган. Ҳақиқатан, оқ шаҳар: оппоқ уйлар, ой нурида минглаб чироқларнинг нури янада жилваланади. Вақт алламаҳал бўлиб, туннинг ярмига яқинлашиб қолган бўлишига қарамасдан, шаҳар уйғоқ, кутиб олувчи мезбонлар меҳмонлардан кўп. Туркман аёлларининг миллий кийимлари билан безанган соҳибжамоллар қўлларидаги баркашларда меҳмондўстлик, меҳр-муҳаббат рамзи нон-туз, ширинликлар, қарсиллама мевалардан тутишган. Гўё тўй устига келдик. Ҳа, аслида ҳам, бу учрашув тўйи, маданиятлар тўйи эди.

Эртаси, 13 ноябрь куни Ўзбекистон делегацияси Туркманистон маданият вазирлигида қабул қилинди. Учрашув давомида томонлар гуманитар соҳада ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

Кеч соат олтида Туркманистон давлат маданият марказининг Мақом театр саройида (Туркманистонда Алп Арслон номидаги театрнинг борлиги туркманларнинг қадимги аждодларимизга бўлган ҳурматини кўрсатиб турибди) Ўзбекистон маданият арбоблари катта концерт бердилар. Кенг жамоатчилик, Ашхободдаги вакиллик корпуслари ходимлари, оммавий ахборот вакиллари, ижодкорлар, ёшлар иштирок этди. Йиғинда мезбонларнинг "Хуш келибсиз"идан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, делегация раҳбари Танзила Норбоева тантанали кеча қатнашчиларини қизғин табриклаauthor, ушбу ижодий тадбирнинг ҳар икки мамлакат маданий алоқалари баҳонасида дўстлик-қардошлик риштaларининг мустаҳкамланишини таъминлашдаги, илдизлари асрлар оша бир томирдан озуқа олиб келаётган анъаналари, бой маънавий мероси, тарихини сақлаб қолиш ва уни янада кенг оммалаштиришдаги аҳамияти борасида тўлқинланиб гапирди.

Тантана қатнашчилари иккала мамлакат Президентларининг маданий, қўшничилик алоқаларининг яқинлашиши ва ўзаро тажриба алмашишлари, иккала халқнинг дўстлик, инсонпарварлик алоқаларининг тағин-да кенгайиб мумтаҳкамлана боришида олиб бораётган саъй-ҳаракатларидан мамнун эканликларини билдиришди.

Муҳташам Мақом саройида тадбир доирасида ўзбек санъат усталари иштирокида концерт дастури мухлисларни ниҳоятда шод қилди. Бу тадбирда Ўзбекистон халқ артистлари Зулайҳо Бойхонова, Озодбек Назарбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Сардор Раҳимхон, Юлдуз Турдиева, Женисбек Пиязов, А.Нодирова, Н.Пирматова, Зиёда Қобулова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, сухандон Дилдора Рустамова, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Каримбой Раҳмонов ва бошқа хонандалар, шунингдек, Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси Абдуҳошим Исмоилов бошчилигидаги Мақом ансамбли созандалари ҳамда "Наврўз" ашула ва рақс ансамбли ҳам ўз санъатларини намойиш қилди.

Концертда замонавий қўшиқлар, фольклор ижрочилиги, мақом санъати, дилларни жунбишга келтирувчи ўйноқи рақслар, дўстлик мадҳ этилган шеърлар уйғунлиги гўё турфа гуллардан тузилган чамандай қатнашчиларнинг қалбини ром этди. Томошабинларнинг ўзбекистонлик хонандаларга жўр бўлиб кетаётганини кўрган киши, беихтиёр булар бирга қўшиқ куйлашиб юрган халқ экан, деган фикрга боради. Дарҳақиқат, куйи-да, қўшиғида уйғун ўзбек туркманнинг.

Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг Гурбангули Бердимуҳамедов сўзи ва мусиқаси билан куйлаган "Лайли соч", унга саҳналаштирилган рақс (рақсида Зарина Аҳмедова) ижро этилаётган қўшиқ мазмунини шундай бойитганки, миллий руҳ, хонанда овози ва чолғуларнинг нафис тўлқинлари орқали ўзининг бадиий ифодасини топганлигидан санъат мухлисларининг гулдурос олқишларига сазовор бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон расмий делегацияси аъзолари Туркманистон давлат кутубхонасида қардош халқ зиёлилари, ёзувчи, шоирлари билан учрашди. Кутубхона иши билан яқиндан танишдилар. Алишер Навоий, Бобур, Дурбек асарларининг қўлёзма нусхаларини кўриб қувондик. Кутубхонада ҳазрат Алишер Навоийнинг 1868 йили кўчирилган девони қўлёзмасининг сақланиши туркман халқининг Навоий ижодига бўлган эҳтироминининг бир кўринишидир. Шунингдек, ижодкорлар кутубхона фондида сақланаётган қимматбаҳо сиёсий-ижтимоий, тарихий ва бадиий адабиётлар: туркман, ўзбек мумтоз адабий мероси, замонавий адабиёт, жаҳон адабиёти намуналари билан танишдилар.

Туркманистонлик адиблар: Туркманистон Қаҳрамони, Махтумқули номли халқаро мукофот соҳиби, Туркманистон халқ ёзувчиси Г.Шоқулиева, Туркманистон халқ ёзувчилари Г.Жучдеков, О.Отабоев, "Маданият" журнали бош муҳаррири Ў.Тошлоқова, "Дунё адабиёти" журналининг таржимони М.Аразова, Туркманистон халқ артисти М.Байрамгалиев ва бошқа санъат усталари билан суҳбатдош бўлдик, тажриба алмашдик, режаларимиз билан таништирдик. Туркман ва ўзбек мумтоз адабиёти вакилларининг, шунингдек, замондош ёзувчиларнинг асарларини таржима қилиш борасида фикр-мулоҳазалар бўлди. Суҳбат қизғин мушоира билан давом этди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қилинаётган ишлар, ҳукуматимизнинг ижодкорларга кўрсатаётган ғамхўрлиги айтилиб, уюшма томонидан нашр қилинган Навоий, Махтумқули куллиётлари, атоқли ёзувчилар Ойбек, Зулфия ва Э.Воҳидовларнинг инглиз тилидаги китоблари ҳамда ўзбек ёзувчиси Қурбон Муҳаммадризо қаламига мансуб икки жилдлик Абу Райҳон Беруний номли тарихий романи Туркманистон давлат кутубхонасига тақдим этилди. Учрашув иштирокчилари бугунги кунда адабий, маданий тадбирларга имкон яратиб берилганлиги учун икки давлат раҳбарларига миннатдорлик билдиришди.

Шу куннинг ўзида "Ашхобод" кинозалида туркман томошабинларига Абу Али ибн Сино ҳаёти тўғрисидаги "Шарқдан таралган нур" номли илмий-оммабоп фильм намойиш этилди. Шаҳардаги "Ватан" кино-концерт саройида ҳам махсус дастур асосида тузилган концерт намойиш қилинди.

2017 йил 15 ноябрь куни маданий тадбирлар Туркманистоннинг шимолидаги Дошўғиз шаҳрида давом этди. Шаҳар кинозалида "Абу Али ибн Сино", "Дадам бетоб", "Маъсума", "Қудуқ" каби ўзбек фильмлари намойиш этилди.

Шундай қилиб, 13 ноябрда Ашхободда бошланган Ўзбекистон маданияти кунлари 15 ноябрь куни Дошўғиз шаҳридаги Андалиб номидаги мусиқали драма театрида икки мамлакат санъаткорларининг биргаликда тайёрлаб, саҳналаштирган концерт дастури билан якунланди. Ҳамкорликда намойиш этилган дастур барчага бирдек манзур бўлди. Томошаларда диққатни тортадиган бир жиҳат, театрга келган кексалармии, ёшлармии аксарияти миллий либосларда эканлиги. Сиз қаерда бўлманг, миллий кийимдаги кишиларни кўраркансиз, Туркманистонда юрганингизни ҳис қиласиз. Бу халқнинг ўз маданиятига, урф-одатларига ҳурмати баландлигидан далолат.

*Адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги. Маданият кўникўшничилик, биродарлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашига ушбу тадбирлар жараёнида яна бир маротаба амин бўлдик. Ота-боболардан қолган нақлда — "қўшиқ борган жойга қайғу йўламас", деганларидек, туркман элидаги иззат ва ҳурматдан қалбларимиз меҳр-муҳаббатга тўлиб, ажойиб ҳис-туйғулар, эзгу орзу-ниятлар билан она диёр тупроғига қадам қўярканмиз, Махтумқулининг "Қадрдон дўстингдан юзинг ўгирма, борсанг, бошларига тож этар сени" деган сатрларини беихтиёр эсладик.*

**Қурбон МУҲАММАДРИЗО,**
**шоир, ёзувчи, Махтумқули ордени соҳиби,**
**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлими масъул котиби**

## МУХЛИС ТАЪРИФИДА



Ўзбек шеъриятида ўз ўрнига эга Турсун Али ижоди ҳақида гап кетганда, аввало унинг визуал — кўз билан кўриб, шуурости туйғулар билан қамраб олинадиган ўзига хос услуби ҳақида тўхталмай илож йўқ. Зеро, ҳар бир сатрида шоирона тасаввуру рассомона тасвир намуналарига гувоҳ бўламиз. Унинг шеърларида олам ва одам тушунчаси бадиий бўёқларда ўзига хос тарзда тасвирга кўчади ва ўқувчи хотирасида муҳрланиб қолади. У қайси мавзуга қўл урмасин, аввало ўзининг нуқтаи-назаридан келиб чиқиб воқеликка ва борлиққа муносабат билдиради:

*Кимнингдир олдида юрмасман*
*Новдадай эгилиб, қалтираб.*
*Кимнингдир олдида турмасман*
*Маст каби деворга қўл тираб...*
*Сувларга чўкмасман қум бўлиб,*
*Мен — ўлмас, навқирон Ҳақиқат!..*

# Тасвир ва тасаввур уйғунлиги

Бу Турсун Алининг Ўзи. Бошқача айтганда, шоирнинг жамиятдаги ўрнини белгиловчи жиҳат ва фазилатлар изҳори. Унинг ижоди эшиги ҳар қандай ўқувчига очила бермайди. Бунинг учун шеърхон маълум бир назмий завқ ва тасаввурга эга бўлиши лозим. Унинг шеърларида туйғу ва тушунча бир-бирини тўлдирувчи етакчи унсурлар ҳисобланади. Шу маънода шоир ўқувчи кўз олдида табиатни жонлантираркан, айни дамда эътиборни моҳиятга қаратади:

*Адаштирар фусункор гуллар.*
*Адаштирар Қуёш,*
*Адаштирар Ой.*
*Бироқ, адаштирса ёмон узун соч,*
*қоракўз қизлар,*
*жуда ёмон,*
*жуда оғир адаштирса шоирлар.*

Турсун Али туйғуларни мўйқалам билан эмас, сўз билан чизади. Худди, мусаввир Дилором Мамедованинг "Эски шаҳар"нинг "Тор кўчалар"идан чиқиб, "Қорли тоғлар" орасидаги овулнинг "Ўчоқдаги овқат"ига қарамасдан, "Хўрозлар"ининг кўзларини қиздириб, "Сувга келгани"дек...

Турсун Али дунёси уйининг калитини қаерларгадир қўйиб, уни ахтариб юрган момони эслатади. Момонинг калити аллақайда қолган эмас, балки ўзининг сочбоғига боғланган эди... Яъни шеърнинг калити — китобнинг ўртаси ёки охирида турган бошқа бир шеърдан чиқиб қолади. Бу Ҳиссиёт хотиралари қонуниятлари бўлса керак...

Аслида ҳиссиёт на қулфи, на калити, на эшиги бор нарсага ўхшайди. У на ухлайди, на тин олади. Модомики, ухлагудек бўлса, эринчоқ Ҳиссиётни Лаҳзалар суврати, манзиллар билан фасллар уйғотади.

Қуйидаги "Сукунат ранги"га эътибор беринг: у ранг-баранг жилолари билан нафақат табиат манзараларини, шу билан бирга, инсон тийнатидаги нозик ҳис-туйғулар савратини акс эттириши билан ҳам аҳамиятлидир.

*Узоқлардан келган турфа,*
*нотаниш қушлар,*
*келинг, менинг тилимда сўзлашайлик.*
*Шарқираб ўйнаётган сув узра ўйнар*
*Ойнинг тилла синиқлари.*
*Уларни еб қўймасайди илонлар.*
*Қулоғингга нимадир дейишим керак,*
*Сен бўлса яшириниб олибсан қудуққа.*
*Айт, бунча ҳаёни қайдан олдинг, Ой?*

Турсун Али шеърларининг ўқувчи ҳиссиёти, ақл-идрокини уйғотиш сири шоир ички дунёсининг доимо уйғоқ ҳамда жозибага йўғрилганлигидадир, десак хато бўлмайди. Эҳтимол, бу жиҳатлар ҳали олдинда шеършунослар томонидан қайта ва қайта тилга олинар. Мен бир ўқувчи сифатида унинг ижод уй-музейи эшигидан мўралаб, баъзи натюрмортларидан баҳра олдим, холос.

Турсун Али дунёси мураккаб. Уни тушуниш учун нафақат ўқиш, балки уқиш ҳам керак. Шоир шеърлари мутолааси асносида аллақандай ҳиссиётлар олами аро кезгандек бўласан, киши.

Мусаввир Дилором Мамедова чизган сувратлар мисолида шоирнинг бир сатрдан иборат шеърлари "Хўрсиниқлар"ини бир қатор тизиб, насрга айлантириб кўрдим:

"Унинг юрагида ухлар Сукунат". "У бугуни билан яшайди". "У сабр косасидан сув ичар узоқ". "Эртага не кечар эртанинг ҳоли?!", "Мен юрагим сари боряпман". "Узоқ тикиламан ҳайратим савратига". "Бағримда гуркираб яшнар Ватаним"...

Йўқ, бу сатрлардан наср чиқмади, улар назм бўлиб қолаверди...

Турсун Али янгича дунё кашф этиш ҳаракатида. Янгиликка интилганларга, албатта, сафдошлар, унинг сўқмоғидан юрадиганлар топилади. Йўқ, мен назм шаклини назарда тутмаяпман. Ахир, чақалоқ юришни адоқ аравага суяниб қадам отиб ўрганади. Шоирликда бир умр адоқ арава ҳайдаб юрадиганлардан худо асрасин. Масала, Ҳақиқат ҳолатини ўз қалбидан ўтказиб, унинг гўзаллигини соф ҳолида сўз — қалам билан чизишда. Бунинг учун аввало Турсун Али бўлиб туғилиш ва ҳаётнинг қора қозонида шоир бўлиб қайнаш керак...

Унинг шеърларидаги ўзига хос турфалик ва инжаликлар ҳали узоқ йиллар адабиётшунослар томонидан етарлича тадқиқ этилажак. Мен бунга аминман.

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,**
**Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси**

## Бир ҳовуч дур

# "САҲИҲИ ТЕРМИЗИЙ"ДАН

Оиша (онамиз)нинг айтишларича, Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам)нинг ухлайдиган кўрпалари хурмо похоли солинган теридан тикилган эди.

Абу Исо айтурки, бу ҳадис ҳасан саҳиҳдур.

***

Аз-Зубайр ибн ал-Авомм ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: "Сизларнинг ичларингизда бурунги умматларнинг касаллари кириб кела бошлади: у ҳасаддир, бир-бирини ёмон кўришдир, у диёнатни кетказувчидир. Мен сочни кеткизади демайман, у дин-диёнатни кеткизади.

Аллоҳ қўлидаги жоним ҳақи, то иймон келтирмагунча жаннатга кирмайсизлар, то бир-бирларингизни яхши кўрмагунча иймонли бўлмайсизлар. Дўстликни мустаҳкамлайдиган нарсани сизларга айтайми? Саломни ўз ораларингизда кенг ёйинглар".

***

Абу Мусо ал-Ашъарий бундай ривоят қилди: "Мусулмон киши мусулмон учун мисоли бир иморатдир, улар бир-бирини ушлаб туради".

## КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

Дунёда ҳамма нарса вақтга енгилади, лекин СЎЗни енгиш қийин. Чунки сўз – хотира, сўз – ранг, сўз – юрак ҳовури. Ҳайрат. Ҳарорат. Оташин руҳ. Кўнгил. Муҳаббат. Ердан баландроқ туйғуларни ҳис қилмоқ учун оламга шоирона нигоҳ билан қарамоқ керак. Шунда шеърият бир-биримизни қадрлашни, севишни ва гўзал яшашни ўргатади. Аслида ОДАМнинг юрагига олиб кирадиган ва ўзи билан бирга олиб кетадиган бойлиги ҳам ана шу тирик СЎЗ.

# ЮРАК ҲОВУРИ

Ўзига хос овози ва йўлига эга шоир Жаҳонгир Шарофбоевнинг "Ота ҳовлим" китобини ўқиб, ИНСОН қалби, руҳи, ҳаёти ва туйғуларини юракдан ҳис қилдим. Ҳаёт нақадар мўъжизаларга бой, яшаган сари ажойиб оламларга олиб киради. Мен китоб ўқимаганларга ачинаман, чунки улар шундай бахтдан бебаҳра ўтиб кетадилар. Шеърнинг сеҳридан еттинчи фалакка кўтарилганларнинг қалбидан эса шундай соҳир ҳислар кечади:

*Алвидо*
*чумоли лабидаги сўз,*
*Минг йиллик хазонлар тагидаги сўз...*
ёки
*Армон нима ўзи — ушалмаган бахт,*
*Киприкларда қотиб қолган орзуми?.*

...ОРЗУ — кўкка интилиб, юракда қолиб кетган ОҒРИҚ. Зулматдан ойдинликка чиқишни истаган БАХТ, уни ортидан кетиб бораётган ОДАМнинг ҳеч қачон такрорланмас ва қайтарилмас ОВОЗИ. Балким ҳали яшаб улгурмаган ҳаётидир! Эҳтимол, ҳалигача қалбида кимгадир асраб келаётган дил ИЗҲОРи... Нега у минг йиллик хазонлар тагидан бош кўтараяпти, шоирнинг бутун вужудини титроққа солган АЛВИДОнинг ранглари бунчалар шаффоф! Гўзал хотиралар каби ғамли ва қайғули. У ширин жонимизга қанча азоб бермасин, нега одамнинг ҲАЁТ ва МУҲАББАТдан айрилгиси келмайди?.. Яхши шеър шундай қалбга эҳтиёткорлик билан умид чироғларини ёқади, унга қандай сеҳрланиб қолганимизни ўзимиз ҳам сезмай қоламиз.

"Ота ҳовлим"да бундан ҳам қадрдон шундай шеърлар борки, ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган БОЛАЛИКнинг бахтиёр кулгусини ёдга солади.

*Олислаб кетсанг буткул,*
*Қайтмоқ бўлар кўп мушкул.*
*Болалигинг ўтган ул*
*Қир, далангни топмайсан...*

Йўқотилган нарсалар энди армонга айланиб, бутун вужудингни алангалатиб юборади. Умрбод эсингдан чиқмайдиган хотираларни елкалаб, яна ЎЗИНГга қайтасан. Умринг ҳам ана шу ОҒРИҚли товушлар, совушлар, овунчлар орасида бўлиниб бораверади. Ҳамма нарса кўзингга саробдек кўринади. Фақат шоирни изтиробга солган мана бу дардлар ҳақиқатга айланади:

*Бу чексиз аламларнинг,*
*Ҳам айрилиқ дамларнинг,*
*Дилдаги ситамларнинг,*
*Охири, адоғи йўқ...*

Бундан пешонанг ажинларга, юрагинг зардобга, ҳаётинг азобга тўлади. Лекин ана шу азобланишдан бир ажиб ҳаловат топасан. Ҳа, бутун умрингга татигувлик ҲАЛОВАТ!





Барча йўқотишларнинг ўрнини тўлдириб турадиган бу исмсиз туйғунинг номи – МУҲАББАТ! Бирида:

*Эҳ, очиқ ҳали ҳам ғурурнинг кўзи,*
*Ойдин кўчасидан ўта олмайман.*
*Бўғзимга тиқилар севаман сўзи,*
*Айта олмайман...*

... бўлиб ҳаётингни самовий сирларга кўмиб турса, бошқасини эса ҳеч ким тортиб ололмайдиган ТУПРОҚ ҳидидан топасан:

*Ватан менинг онамдир,*
*Чаккасида райҳони.*
*Райҳонининг бўйидан*
*Яшнаб кетар айвони...*

Ҳа, кўзимиз нури камайса ҳам Ватанга бўлган муҳаббатимиз камайди. Тўпламдаги "Меҳр", "Яхшидир", "Кўнгилни кенг қилинг" каби кўплаб шеърлар ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Энг муҳими, самимий шеърлари билан шеърхонлар меҳрини қозонган Жаҳонгир Шарофбоевнинг "Ота ҳовлим" китоби шахсий кутубхонангиздан муносиб ўрин олишига ишонамиз. Чунки қалбимиздаги англаб бўлмас, бировга айтиб бўлмас туйғуларни шеър англатади, қўл етмас орзуларни бизга фақат шеър беради.

**Адиба УМИРОВА**

**»ОНА ЮРТ БЎЙЛАБ**

Юртимизга келаётган хорижлик сайёҳларнинг аксарияти ёши кекса инсонлар эканини кўриб, нега бизнинг қарияларимиз саёҳатдан баҳра олмайди, юрт кезмайди, деб кўп ўйлардим. Ахир сокин куз, хазонрезгига менгзаладиган кексаликни қизиқарли машғулотлар, саргузаштлар билан тўлиб-тошган, ҳар кун бир мўъжиза топадиган гўзал даврга айлантириш мумкин-ку!

Табиатан саёҳатни хуш кўраман. Шунчаки томоша қилиш эмас, кўрган манзараларимни фотосуратга муҳрлашга, мен туйган завқни бошқалар ҳам ҳис қилишига интиламан.

# ЮРГАН ДАРЁ



Бу гал қадимий Хоразм ва Бухорога саёҳат уюштирдим.

Тошкент — Урганч поездига ярим тун, соат 00:30 да чиқдик.

Йўлак ва купеларга Хива поёндозлари тўшалган. Вагонимиз шинам, озода, ҳамроҳларимиз — икки ёш йигит уйқуда экан. Секингина кириб жойлашдик.

Хоразмга биринчи боришим эмас, аммо юрагим аллақандай севинчдан дук-дук уради. Анча пайтгача кўзга уйқу келмади. Шу билан тонг ҳам ёришди. Юқори қаватдаги йигитлар ҳам уйғонди. Вагон кузатувчиси иссиққина қаҳва келтирди. Самарқанд нони, болалар тайёрлаб берган бутербродларни олиб, йигитларни ҳам нонуштага таклиф қилдик. Таом устида яқиндан танишиб олдик. Ҳасанжон ва Инъомжон Фарғонадан тезюрар поездда Тошкентгача келиб, у ердан Урганч поездига чиқишган экан. Илгари неча соатлаб йўл юриб, машаққат чекиладиган масофанинг қисқарганини кўринг. Юртимизнинг ҳар гўшасига тезюрар поездлар қатнаб турибди. Йигитлар Ҳазорасп эркин индустриал зонасидан тоифи узумидан олиб, автоуловда Россияга экспорт қилишмоқчи. Қаранг, тадбиркорликнинг шунақа синоатлари ҳам бор экан-да! Айтишларича, Хоразм тоифилари қаттиқ бўлгани учун узоқ йўлда ҳам сифати бузилмас экан.

Тезюрар поездимиз Урганч вокзалига кундузи соат 12:30 да етиб келди. Маҳобатли вокзалнинг олд қисмида таксилар қаторлашган, манзилни айтишингиз билан ҳайдовчилар қўлингиздаги юкларни илиб кетади. Биз Хивагача троллейбусда бормоқчи бўлдик. Шаҳарни томоша қилиб кетамиз, дедик. Урганчда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари кўзни қувнатади. Жалолиддин Мангуберди мажмуаси, «Авесто» боғи шаҳар қиёфасига чирой бағишлаб турибди. Кўчалар кенг. Машиналар олти қаторли йўлда ғизиллаб ўтиб турибди, йўл четида эса биз ўтирган троллейбус. Ярим соатда Хивага етиб келдик.



Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Абу Бакр Хоразмий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий каби улуғ алломалар, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳофиз Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий каби истеъдодли шоирлар бешигини тебратган қадимий Хоразм бугун тамомила замонавий қиёфа касб этган. Унинг бугунги маркази Урганч шаҳрини бежиз Марказий Осиё Қоҳираси дейишмайди. Шаҳар атрофида кўплаб шаҳарчалар бунёд этилган. Уларнинг кўпи сувдан узоқроқ, хавфсиз жойда барпо қилинган.

Х аср охири — XI аср бошларида Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун саройида катта-кичик анжуманларда олимлар тўпланиб кашфиётлар қилган. Яқинда Хоразм Маъмун академиясининг 1110 йиллиги нишонланади. Унинг кутубхонасида 16 минг 600 дан зиёд турли китоблар мавжуд.

Ичанқалъага йўл олдик. Бош дарвозага киришда буюк математик Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳайкали салобат тўкиб турибди. Сайёҳлар кўп. Ундан-да ҳунарманд, тадбиркорлар чиқарган маҳсулотлар кўп. Бири Хиванинг обидалари акси туширилган миниатюра асарларини харид қилса, бошқаси попопчилик усулида тикилган миллий кийим-бошларни савдолашяпти, яна бири хон тахтига ўтириб суратга тушиш билан машғул. Бир тадбиркор туяни безаб, нарвон қўйиб сайёҳларни туяда суратга олмоқда. Совғабоп сувенирлар тўлиб-тошган.

Биз Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд масжиди, Муҳаммад Аминхон (XIX аср), Оқмачит (XII аср), Мусо Тўра мачит-мадрасалари, Ичанқалъа ичидаги Исломхўжа минораси, Калтаминор, Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси, жума масжидлари зиёратгоҳларида бўлиб, икки кунлик саёҳатимизни тугатиб, таксида Бухорои шарифга йўл олдик.



*«Бухорога келиб, бухороликлар ҳаёти билан танишаман десанг, аввал кўҳна ва боқий Бухоро монументига бор», деган эди Биринчи Президентимиз.*

Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд каби зотлар яшаб ижод қилган кўҳна Пойкент ва Варахша шаҳарларининг рамзи бўлган Минораи Калон, Арк, Лаби Ҳовуз, Чорминор ЮНЕСКО томонидан бутунжаҳон моддий мероси рўйхатига киритилган. Бухорои шариф дунёдаги етти шариф шаҳар — Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Қуддуси шариф, Мозори шариф, Бағдоди шариф, Дамашқи шарифлар қаторида туради.

Бухоро қадимда Ан, Буха, Буха эр номлари билан номланиб, савдогарлар, мисгарлар шаҳри дея аталган. Бухоро ҳунармандлари тайёрлаган буюмлар АҚШ, Англия, Франция, Россия шаҳарларидаги музейларда сақланмоқда.

Арк — хон ва унинг оила аъзолари, амирлар яшаган жой бўлса, унинг атрофида ҳунармандлар, савдогарлар истиқомат қиладиган шаҳарча бўлган. Аркнинг ичкарисида пул зарб қилинадиган махсус жойлар бўлган, хоннинг отлари, аравалари сақланган. Бугунги кунда Бухорода 17 та тарихий минора бўлиб, 1991 йилда ЮНЕСКОнинг «Жаҳон мероси» рўйхатига киритилган. Ўрта асрлардан сўзловчи Минораи Калон, Лаби Ҳовуз ансамбли, Кўкалдош, Нодир Девонбеги мадрасалари, Ситораи Моҳи Хоса, XIX асрга оид Чорминор, XX аср бошларида бунёд этилган Боло Ҳовуз мажмуаси каби тарихий обидалар шаҳарга жило бериб турибди.

Менга ёққан томони, кўчалари равон, эни 40 метргача.

Сафаримиз давомида буюк аллома, Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанд мажмуида бўлиб, бу ерда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида беқиёс ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдик. Мажмуанинг ўзида 85 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, шуларнинг етмиш нафари боғбонлар экан. Кираверишдаги йўлнинг икки тарафига шафтолининг тўрт хил нави, йўл четларига анвойи райҳонлар экилган, унинг ифори бутун мажмуани тутиб кетган. Нақшбанднинг волидаси қабрини зиёрат қилиб, кейин мажмуа бўйлаб саёҳатни давом эттирдик.

Ажиб шаҳар Бухорода икки кун бўлиб, Самарқандга йўл олдик. Биз қайтганимизда муҳташам Регистони салобат тўкиб турган қадрдон шаҳарда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовга қўйилган ҳайкал очилган, Ҳазрати Хизр мажмуасида қад кўтарган мақбара ва унинг атрофи кўркамлашгандан кўркамлашганини кўриб, кўзларимизда севинч ёши пайдо бўлди. Уйга қайтгач, саёҳатимиз ҳақида фарзандларга, набираларга сўзлаб бердик. Эндиги саёҳатимиз Фарғона водийсига. Бу галги сафаримиздан олам-олам таассуротлар олишимизни ўйласам, дилим яйрайди. Ўзимни яшариб кетгандай ҳис қиламан. Ахир юрган дарё дейдилар...

**Тоҳир НОРҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси**

# Биз билган ва билмаган Орол

**»ЭКОЛОГИЯ**

*Иккинчи мақола*

### ДЕНГИЗ ТУБИДАГИ СИРЛИ ИЗЛАР

Ер сайёрасидан ўзга тамаддунларнинг изларини изловчилар учун Орол денгизи жаҳон харитасидаги сирли ва қизиқарли нуқта десак асло муболаға бўлмайди. Бунга боис, даҳшатли экологик фалокатга рўпара бўлган Орол денгизи тубида ҳаммани ҳайратга солаётган ва ҳаяжонлантираётган улкан белгиларнинг топилганлигидир. Олимларнинг таъкидлашича, Орол геоглифлари — тупроққа чизилган улкан тасвирлар ўзга сайёраликларнинг ишидир.

*Анча озчиликка маълум бўлган мазкур белгилар Катта Оролнинг шимолий қисмида, собиқ Кўкорол оролининг жануби-шарқида жойлашган. Дастлаб бу тасвирларни 1990 йилда Сирдарёнинг қуйи қисмларини аэрофотосуратга олиш пайтида гидролог олим Борис Смердов кўрган. Олим ўшандан буён Орол тубидаги сирли белгиларни ўрганиш билан шуғулланиб келади. У ҳатто бу ҳақда “Орол денгизи тубидаги белгилар” номли илмий-оммабоп рисолани ҳам ёзган.*

*Шуни ҳам айтиш керакки, ўтган йиллар мобайнида Орол денгизидаги ушбу тасвирларнинг сири очилмади. Олим рисоласининг навбатдаги қисмида дунё олимларига мазкур излар ўзга сайёраликлар тамаддунига тегишли эканлиги тўғрисидаги янги далилларни тақдим этишни мўлжалламоқда. Шунингдек, у сирли белгилар жумбоғини ечишга, уларнинг амалий аҳамиятини тушунишга уринмоқда.*

*Хўш, бу жумбоқни яратганлар нима демоқчи бўлишган. Олимнинг айтишича, чизиқларнинг сирлари ўта мураккаб ва тушунарсиз. Биринчидан, улар табиат томонидан яратилмаган. Аммо уларнинг яратиш инсониятнинг ҳам қўлидан келмаслиги турган гап. Сирли белгилар табиий йўл билан яратилмаган экан, демак, улар жуда юксак ривожланган ўзга тамаддунларнинг излари бўлиши керак. Ердан ўзга тамаддунлар изларини изловчиларни Оролга ўхшаш жойлар жуда қизиқтириши табиий. Бундай кишилар ҳаммасини кўришни, билишни исташади. Аммо Оролдаги белгиларни кўриш унчалик осон ҳам эмас. Нега деганда, бу сирли белгилар юпқа сув қатлами тагида жойлашган. Шу боисдан бўлса керак, уларни жиддий ва батафсил текшириш билан ҳозирча ҳеч ким шуғулланганича йўқ.*



*Ваҳоланки, Орол денгизи тагидаги сирли чизгиларнинг аэрофотосуратлари бундан 23 йил муқаддам олинган. Ўтган давр мобайнида тасвирлар шаклу шамойилида ўзгаришлар ҳам юз берган бўлса, эҳтимол.*

*Шуниси аниқки, мазкур сирли чизиқлар НУЖларнинг қўниш майдони бўлмаган. Аммо НУЖ қурилмалари денгиз тубида юрган бўлиши мумкин. Таъбир жоиз бўлса, мазкур белгилар жуда юқори аниқликда амалга оширилган жўякларнинг тизимидир. Жўякларнинг чуқурлиги 30-40 сантиметрни, кенглиги эса ҳар бир жўякда 1 метрдан 12 метргача ўзгариб туради. Жўякларнинг узунлиги 900-1300 метрни ташкил этади. Денгиз тагида бундай жўякларни қазган “булдозерлар”нинг қудратини тасаввур этиб бўлмайди. Сирли чизиқлар худди лекалода ўлчангандек, аниқ ҳисоб-китоб билан бажарилган. Қизиғи шундаки, сирли белгиларни шубҳасиз маҳаллий аҳоли ҳам билади.*

*— Мен мана шу Орол бўйида туғилганман, унинг кўм-кўк сувга тўлиб, тўлқинланиб-мавжланиб турган пайтлари ҳамон кўз ўнгимда турибди. Мана бугунги кунда эса унинг қуриб-қақшаб қолганини ҳам кўриб турибман, дейди қизилўрдалик эколог Сайловбой Жубатиров. — Тилсимли белгиларга келсак, уларни бизга номаълум бўлган қадимги тамаддуннинг излари, деб ўйлайман. Бу ҳеч шубҳасиз, ўта ақлли мавжудотларнинг яратиғи.*

*Ҳали Орол денгизи мавжуд бўлмаган 24 минг йиллар муқаддам бу ерлар поёнсиз текисликлар бўлган.*

*Айрим олимлар бу шаклларни қадимги Нуҳ тошқинининг қолдиқлари, деб айтишади. Белгиларни материалистик в мантиқ нуқтаи назаридан изоҳлашга уринишади: яъни қачонлардир, Орол ўрни қуруқлик бўлган ва бу белгилар ирригация иншоотлари. Аммо бу одамзоднинг иши эмас.*

*Ушбу тузилмалар юқори даражадаги тамаддунлар томонидан бажарилган, дейди Смердов. Белгилар ўз келиб чиқиши ва нима учун кераклигидан гувоҳлик беради. Улар махсус нуқтларнинг коодинаталарини кўрсатиб туриди. Аммо вақт бизнинг фойдамизга ишламаяпти, Орол сатҳининг пасайиши билан белгиларнинг бузилиш хавфи кучаймоқда. Қирғоқ чизиғи уларга яқинлашиб қолди. Сув кетгач улар қуриб, вайрон бўлиб кетади.*

*Белгиларнинг айнан нимани билдиришини, нима учун мўлжалланганини ҳали илмий жиҳатдан пухта тадқиқ этиш керак, албатта. Аммо яна бир сирли жиҳати, бундай жумбоқ белгилар фақат Орол денгизи тубида эмас, балки Каспий денгизи тагида ҳам мавжудлиги бугун фанга маълум бўлди.*

*Айрим манбаларда ёзилишича, Каспий денгизи тубида ҳам катта узунликда ва кенглиги 10 метргача бўлган бундай жўяклар учрайди. Айрим олимлар буни музларнинг иши деб айтишади. Аммо денгиздаги оғирлиги 1000 тонналик муз ҳам горизонтал юзадан силжиб, бундай жўякни ҳосил қилолмаслиги турган гап.*

### УМИДЛАНТИРАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР



Амударё ва Сирдарё сувларини имкон қадар куриётган Орол денгизига оқизиш ва ҳеч бўлмаса денгизни ҳозирги ҳолича сақлаб қолиш борасида кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, маълум даражада амалий ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, шулардан бири “Сирдарё ўзанини бошқариш ва Оролни сақлаб қолиш” лойиҳасига кўра, 2003 — 2005 йилларда Қозоғистон давлати Катта Орол билан Кичик Оролни ажратиб турувчи Кўкорол тўғонини барпо этди.

*Шундан кейин Кичик Оролга тўпланадиган Сирдарё суви 42 метргача кўтарилди. Сувнинг шўрланиш даражаси бирмунча пасайди ва ҳатто бу ерда балиқларнинг айрим турлари кўпайтириладиган бўлди. Хусусан, 2007 йилда 1910 тонна балиқ овлангани фикримизнинг тасдиғидир. Кўкорол тўғонининг узунлиги 17 километрни, баландлиги 6 метр ва кенглиги 300 метрни ташкил этади. Келгусида 870 квадрат километр майдонни сувга тўлатиш кўзда тутилмоқда. Бу имкон даражасида Орол бўйи флора ва фаунасини тиклашга имкон беради.*

*Мазкур лойиҳанинг иккинчи фазаси Кичик Оролнинг шимолий қисмидаги тўғонни кенгайтириб, уни махсус канал орқали сув билан тўлдиришни кўзда тутади.*

*Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур лойиҳа туфайли Шимолий Оролдаги сув ҳажми 27 километр кубдан 59 куб километрга кўпаяди. Сув сатҳининг кўтарилиши натижасида бир пайтлар порт бўлган ва ҳозирда денгизда 40 километр узоқлашиб кетган Аралск шаҳри яна Оролга яқинлашиб бошлайди. Албатта, денгизни аввалги ҳолига келтиришнинг имкони йўқ, аммо ҳозирги ҳолида сақлаб туриш учун бундай лойиҳаларнинг қилинаётгани ҳам катта гап.*

**А.АЗИМОВ**

**»СПОРТ**

## Ўзбекистонлик ҳакамлар нуфузли мусобақада



Айни пайтда Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтаётган футбол бўйича клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати қизғин паллага кирди. Эътиборлиси, мазкур мусобақада ўзбекистонлик ҳакамлар ҳам иштирок этишмоқда.

ФИФА рефериси Равшан Эрматов чемпионатнинг чорак финал босқичида “Пачука” (Мексика) ва “Видад Касабланка” (Марокаш) жамоалари ўртасидаги ўйинни бошқарган бўлса, яна бир ҳамюртимиз Жаҳонгир Саидов ҳам мусобақага ҳакам сифатида жалб этилган. У кеча бўлиб ўтган “Видад Касабланка” — “Урава Ред Даймондс” (Япония) жамолари ўртасидаги 5-ўрин учун кечган ўйинда Равшан Эрматов билан биргаликда видеоассистент вазифасини бажарди.

Эслатиб ўтамиз, клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Европа чемпионлар лигасининг 2017 йилги ғолиби “Реал” (Испания), Либертадорес кубоги соҳиби “Гремио” (Бразилия) каби ўз қитъаларининг энг кучли жамоалари иштирок этмоқда.

## Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси



11 — 19 декабрь кунлари Ҳиндистоннинг Аҳмадобод шаҳрида 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси кеча мусобақанинг илк турида Жанубий Африка Республикаси терма жамоасига қарши дона суриб, 4:0 ҳисобида ғалабага эришди.

Олимпиадада юртимиз шарафини 5 нафар иқтидорли шахматчи ҳимоя қилмоқда. Улар — халқаро тоифадаги спорт устаси, 16 ёшгача ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони Нодирбек Ёқуббоев, қитъа чемпионатининг олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиби Шамсиддин Воҳидов, Осиё чемпионатининг бронза медали совриндори Саидакбар Сайдалиев, шунингдек, Далер Воҳидов ҳамда мактаб ўқувчилари ўртасида Осиё чемпиони Ситора Сапаровалардир.

Жамоамизга ФИДЕ устаси Акмал Файзуллаев мураббийлик қилмоқда.

**Элмурод МАҲМАРАЙИМОВ тайёрлади.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, таниқли журналист Шоқаҳҳор Салимовга акаси
**Шоҳсалим МУҲАБАТОВ**нинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080—рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 2610 Буюртма — V-667 1 2 3 4 5

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91
Топшириш вақти — $20^{00}$ Топширилди — $18^{00}$

ISSN 2010-7526
*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz; gazhurriyat@mail.ru

*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.*
Навбатчи: Хуршид Марулов
“O‘zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30—уй.